



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil
2-aprel
chorshanba
№ 13 (1440)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan

www.uzhurriyat.uz



gazhurriyat@mail.ru



t.me/hurriyatuz



Hurriyat gazetasi

“ОЛДИМИЗДА МИНТАҚАМИЗНИ НАФАҚАТ БАРҚАРОР, БАЛКИ ФАРОВОН ҚИЛИШ УЧУН ТАРИХИЙ ИМКОНИАТ ТУРИБДИ”

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанддаги “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” биринчи саммити олдидан “Euronews”га берган эксклюзив интервьюси

– Кейинги йилларда дунё шиддат билан ўзгармоқда: геосиёсий бекорорлик, иқтисодий хатарларнинг ўсиши, иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар – буларнинг барчаси халқаро ҳамкорлиқнинг янги форматларини тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан қаралганда, Самарқанд шаҳридаги “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” саммити минтақаларимиз ўртасидаги муносабатларда бурилиш нуқтаси сифатида кўринмоқда. Нима учун айнан шу пайт ўзаро ҳамкорлик янги босқичга чиқмоқда?

– Минтақаларимизни чуқур тарихий илдизлар, бир-бирига мос манфаатлар ва яқин шерикликка объектив интилиш боғлаб туради. Бугунги кунда биз Европа Иттифоқи билан ҳамкорлиқнинг қарийб уттиз йиллик самарали тажрибага асосланган аниқ кун тартибини шакллантирганмиз.

Бизнинг Европа Иттифоқи билан шериклигимиз – бу икки томонлама ҳаракат, ундан иккала томон ҳам манфаат қўриши лозим. “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” формати – ноёб ҳамкорлик платформаси бўлиб, ўлчам ва институционал қамров жиҳатидан унга ўхшаши мавжуд эмас. 27 давлатни, жумладан, “Катта еттилик”ка аъзо учта мамлакатни (Германия, Франция ва Италия) бирлаштирган

Европа Иттифоқи Марказий Осиё билан минтақаларо даражада тизимли ҳамкорликни йўлга қўйган энг йирик интеграцион тузилма ҳисобланади. Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик иқтисодиёт ва инвестициядан тортиб барқарор ривожланиш, хавфсизлик ва рақамли трансформацияга бўлган соҳаларнинг кенг мажмуасини қамраб олади ҳамда узок муддатли стратегик устувор йўналишларга асосланади.

Биз европалик ҳамкорларимиз билан мунтазам учрашиб келмоқдамиз. Минтақамизга етакчи давлатлар раҳбарларининг ташрифлари анча фаоллашди. Ўзбекистон Италия, Венгрия ва Франция билан стратегик шериклик ўрнатди. Германия ва Марказий Осиё мамлакатлари эса минтақавий стратегик шерикларга айланди.

Бугун Европа Иттифоқи Марказий Осиё давлатлари билан савдо ва инвестиция алоқаларини изчил ривожлантирмоқда. Охириги етти йилда Марказий Осиё мамлакатларининг ЕИ билан савдо айланмаси тўрт баробар ошиб, 54 миллиард еврони ташкил этди.

Биз Европа бизнесининг Ўзбекистон ва минтақадаги бошқа мамлакатлар билан савдо ва инвестициявий ҳамкорлик қилиш имкониятларига қизиқиши кучайиб бораётганини мамнуният билан кузатмоқдамиз.

Минтақамизда кузатилаётган иж-

бий жараёнлар туфайли Марказий Осиё қудратли ва етакчи давлатларнинг Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни боғловчи йўллар туташган геосиёсий чорраҳадаги ишончли ҳамкорига айлантирмоқда. Бу “Марказий Осиё плюс” форматларида ўз ифодасини топмоқда. Улар очиқ мулоқотни қўллаб-қувватлашга хизмат қилиб, барча томонларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги учун қўлай имконият яратмоқда.

Бундай шароитда Самарқанд саммитида Европа Иттифоқи ва минтақамиз давлатлари ўртасида стратегик шериклик йўлга қўйилиши минтақаларо ҳамкорлик ва ўзаро боғлиқлиқнинг ривожланишида янги йўналишлар очади.

– Саммитни ўтказиш жойи сифатида Самарқанд шаҳри танланишининг сабаби ҳақида батафсил сўзлаб берсангиз. Самарқанд мулоқот ва имкониятлар нуқтаи назаридан қандай рамзий аҳамиятга эга?

– Самарқанд – асрлар давомида савдо, илм-фан ва дипломатия маркази бўлиб келган шаҳардир. Унинг улғуворлиги турли маданиятлар, халқлар ва юзларни бирлаштира олади. Бугун у яна Европа ва Марказий Осиё замонамизнинг асосий муаммоларини муҳокама қилиши мумкин бў-



ган мулоқот майдонига айланмоқда.

Самарқанд Марказий, Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ ҳудудда истиқомат қилган халқларнинг кўп асрлик халқаро муносабатлари тарихида алоҳида ўринга эга. Олти асрдан ортқ вақт илгари айни шу ердан Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Темур Европа монархлари билан эркин ва хавфсиз савдони таъминлаш мақсадида фаол алоқалар ўрнатган эди.

Бугунги кунда Самарқанд халқаро ҳаётдаги ўзига хос ўрнини тикламоқда ҳамда мамлакатимизнинг тарихий сиёсий ва дипломатик меросини асраб-авайлаб, уни янги, янада кенг мазмун билан бойитмоқда.

Тарихан шаклланган тушунчага кўра, Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлинмас бўлиб кўринади. “Самарқанд руҳи” деган ноёб феноменнинг мазмунини ҳам асли шунда муҳассам бўлиб, у халқаро ҳамкорлиқнинг принципал жиҳатдан янги форматини шаклланти-

риш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

– Кейинги йилларда минтақада юз берган асосий ўзгаришларни қандай тавсифлаган бўлардингиз, Марказий Осиё бешлигида Ўзбекистон раислиги даврида қайси устувор йўналишларга эътибор қарата-сиз?

– Аввало, шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, Марказий Осиё Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Бу бир қатор омиллар билан боғлиқ. Биринчидан, бугунги дунё сиёсати харитасига назар ташласак, қуролли низолар, зиддиятлар ва ўзвонлиқ авж олаётган ҳолатларнинг аксарияти айнан қўшни давлатлар ўртасида юз бераётганини кўрамиз. Бу ҳолат Яқин Шарқ, постсовет макони, Жанубий Осиё, Африка ва бошқа минтақалар учун ҳам хос.

Афсуски, Марказий Осиё ҳам бундай ҳолатлардан мустасно бўлмаган.

Турли даврларда бу ерда қуролли тўқнашувлар содир бўлган, чегара масалалари, сув-энергетика муаммолари, транспорт ва алоқа соҳасидаги мураккабликлар, хавфсизликка оид таҳдидлар вазиятни оғирлаштирган. Бу эса узок давом эта олмасди. Ихтилофлар кучайди, келишмовчиликлар чуқурлашди ва юзага келаётган мураккаб вазият минтақанинг хавфсизлигига жиддий таҳдид сола бошлади.

Биз ана шундай реал ҳолатни англаб етиб, стратегик қарор қабул қилдик: Марказий Осиёда конструктив, яхши қўшничиликка асосланган ва ўзаро манфаатли муносабатларни босқичма-босқич барпо этиш. Бу ёндашувнинг замирида ўзаро ишонч ва ҳурмат, умумий манфаатларни ҳисобга олиш ва тан олиш ётади.

Сўнгги йилларда Марказий Осиё тубдан ўзгарди, янги қиёфа касб этди – конструктив мулоқот, ишонч ва ҳар томонлама ҳамкорлик майдонига айланди. (Давоми 2-саҳифада).

МУНОСАБАТ



Бу дунёда нима осон – дўстни душманга айлантириш осон. Икки дўст орасига нифоқ тушдими, тамом, энди уларни муросага келтириш учун баъзан, ҳатто, ўн йиллар ҳам камлик қилади.

Нима, ҳаётда буни кўрмадикми, бевосита гувоҳи бўлмадикми? Ё ҳозир ҳам кўриб, билиб турганимиз йўқми?

Келинг, тарихни титқилаб, қимларнингдир руҳини безовта қилиб ўтирмайлик-да, бугунга очик кўз билан тик боқайлик. Нима, тарихан яхудий билан араб қардош, қариндош, оға-ини эмасмиди? Ёки рус билан украин эт билан тирноқ эмасми? Исроил ва Фаластин можароси, Россия ва Украина уруши не-не бегуноҳ инсонлар, ҳатто, йўрқадаги фариштадек покиза гўдакларнинг ёстиғини қуритмаётганими?

Сабаблар, омиллар, даъволар, иддаолар қандай бўлишдан, ҳатто, ким ҳақу ким ноҳақ эканидан қатъи назар, ҳар қандай қуролли муҳорабадан охир-оқибат оддий халқ, минг-минглаб, миллионлаб одамлар жабр кўради. Шундай экан, урушни оқлаб бўладими? Тарихда бирор уруш оқланганими ўзи? Ҳар қанча оқлаганингиз билан, урушнинг оқибатлари, қўруликлари, жабрлари йўқолмайди-ку! Халок бўлганлар тирилиб ҳам келмаслар.

Инсоният XXI асрда, эҳ-ҳе, қандай-қандай илмий-технологик юксакликларга кўтарилди.

Буларнинг бари одамларнинг кам меҳнат қилиб, кўп маҳсул олиши, алап-оқибат, ўзини бахтли, турмушини фаровон, ҳаётини мазмунли қилишига замин тайёрламайдими?

2-6.

ФАОЛИЯТ

ИЛМГА АСОСЛАНГАН, АМАЛИЁТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ

ёки мақсадимиз малакали мутахассислар тайёрлашдан иборат

Иқтисодиёт соҳасидаги энг муҳим вазифаларимиздан бири – аграр соҳани янада ислоҳ қилиш ва модернизациялардан иборат. Аграр соҳа иқтисодиётнинг энг қадимий, ҳеч қачон ўз ўрни ва аҳамиятини йўқотмайдиган тармоқлардан биридир. Оролбўйи минтақасидаги глобал иқлим ўзгаришлари ва экологик муаммолар оқибатида қишлоқ хўжалигида йилдан-йилга илгари кўрилмаган синов ва қийинчиликлар пайдо бўлаётгани аграр соҳага эътиборни кучайтиришни тақозо қилмоқда. Бугун соҳага илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларни амалиётда қўллашдан туриб тараққиётга эришиб бўлмайди. Бу эса кенг ва замонавий билимга эга кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш каби долзарб вазифаларни олдимизга қўймоқда.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 275-сонли қарори асосида Тошкент давлат аграр университетини Нукус филиали негизда Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтини ташкил этилиши ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Бу қарор нафақат қишлоқ хўжалиги ходимларини тайёрлаш, балки Қорақалпоғистонда олий маълумотли мутахассисларни жаҳон стандартлари даражасида тайёрлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда таълим муассасаси таркибидан 6 та техникум, магистратура бўлими, сиртки бўлим, 3 та факультет ва 14 та кафедра фаолият юритиб, институтда жами 3514 нафар талаба таҳсил олмоқда.

Таълим сифатини таъминлаш мақсадида асо-

сий штатда 207 нафар профессор-ўқитувчи ўқув машғулотларини олиб бормоқда. Шулардан 10 нафари фан доктори, 88 нафари фан номзодлари (PhD), доцентлар.

Таълим жараёнига чет эл профессорларини жалб қилиш географияси ҳам кенгаймоқда. Жумладан, кейинги уч йилда Қирғизистон, Россия, Вьетнам, Буюк Британия, Япония, Қозғистон, Туркия каби давлатларнинг профессор-ўқитувчиларидан ўн саккиз нафари институтда дарс берди. Ўқув жараёнига хорижий олий таълим муассасаларидан ўтган ўқув йилида 8 нафар профессор-ўқитувчи жалб этилди. Жорий ўқув йилида 16 нафар профессор таклиф этиш режалаштирилган.

6-6.

РАҲБАР

ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

“...Раҳбарлик фақат маъмурий лавозим эмас, балки катта масъулият ва санъат ҳамдир. Жамоани бошқарадиган раҳбарда қуйидаги муҳим фазилатлар бўлиши керак: интеллектуал салоҳият, маънавият ва дунёқараш, савия ва мулоқот маданияти, муаммоларни ҳал эта олиш қобилияти...”

5-6.

“ОЛДИМИЗДА МИНТАҚАМИЗНИ НАФАҚАТ БАРҚАРОР, БАЛКИ ФАРОВОН ҚИЛИШ УЧУН ТАРИХИЙ ИМКОНияТ ТУРИБДИ”

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг

Самарқанддаги “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” биринчи саммити олдидан “Euronews”га берган эксклюзив интервьюси

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Бу эса мамлакатларимиз етакчиларининг умумий сиёсий иродаси туйғайли амалга ошди. Бугун биз бу жараённинг ортга қайтмаслиги ҳақида ишонч билан айта оламиз.

2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон Маслаҳат учрашувларини ўтказиш ташаббуси билан чиққанида, биз оддий, бироқ муҳим ғоядан келиб чиққан эдик: агар биз ўзаро ишонч ва очиқ мулоқотни ўзимиз бошламасак, ҳеч қандай ташқи ҳамкорлар минтақамизда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаб беролмайди. Бу жараён ўз самарасини кўрсатди. Бугун энг мураккаб масалаларни музокаралар орқали ҳал этмоқдамиз, қўшма ташаббусларни мувофиқлаштирипмиз ва олдинга дадил қадам ташлаяпмиз.

Жорий йилда Тошкентда еттинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтади. Бундай йиғилишларда биз нафақат кун тартибидини муҳокама қилаймиз, фикр алмашаямиз, балки минтақа қиёфасини ўзгартирувчи аниқ қарорларни қабул қилмоқдамиз. Яқин орадаги ёрқин мисол – Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида давлат чегарасини делимитация қилиш масаласининг узил-кесил ҳал этилиши бўлди. Бу – томонларнинг йиллар давомидаги сайй-ҳаракатлари туйғайли эришилган муваффақиятдир.

Савдо алоқаларини рағбатлантириш учун чегараолди савдо ҳудудлари ташкил этилмоқда, қўшма инвестиция жамғармалари ишга тушириляпти, йирик инфратузилма ва саноат лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Марказий Осиё глобал транспорт санжирларининг муҳим бўлинига айлانмоқда. Биз Транскаспий ва Трансфаво транспорт йўлакларини фаол ривожлантиряпмиз – бу мамлакатларимизнинг жаҳон бозорларига чиқиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Шу тарзда, Марказий Осиё энди тарихнинг четида эмас, балки ўз стратегик кун тартибидини шакллантираётган, жадал ривожланаётган минтақага айланмоқда. Сиёсий ирода, юқори даражадаги ўзаро ишонч ва қўшма иқтисодий ташаббуслар минтақада барқарор ривожланиш учун янги имкониятлар яратди.

Марказий Осиё бешлигида Ўзбекистоннинг раислиги даврида биз қуйидаги учта устувор йўналишга алоҳида эътибор қаратамиз: минтақавий хавфсизлиқни мустаҳкамлаш, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш ва экологик барқарорлиқни таъминлаш.

Олдимизда минтақамизни нафақат барқарор, балки фаровон қилиш учун тарихий имконият турибди. Ишонч билан айта оламани, биз бу салоҳиятни биргаликда рўёбга чиқаришга қодирмиз.

– Ўзбекистонда амалга оширилаётган қандай ислохотлар Европа Иттифоқи билан иқтисодий ҳамкорлиқни рағбатлантиришга хизмат қилмоқда ва Марказий Осиё билан алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш учун ЕИ томонидан қандай чоралар қўрилиши мумкин?

– Ўзбекистонда изчиллик билан қулай бизнес муҳитини яратмоқдамиз, бозор институтларини ривожлантирмоқдамиз ва инвестициявий муҳитни яхшилапаямиз.

Муҳим қадамлардан бири хорижий инвесторлар учун “ягона дарча” тизими жорий этилгани, валюта бозори либераллаштирилгани, бизнес учун солиқ юки камайтирилгани бўлди.

Натижада мамлакатимиз ва Европа Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликда ижобий суръат қузатилмоқда. 2024 йилда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи давлатлари ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 6,4 миллиард долларга етди, бу ўтган йилга нисбатан 5,2 фоизга кўлдир. Мамлакатимизда Европа капитални иштирокидаги 1 мингдан ортиқ корхона фаолият юритмоқда, инвестиция лойиҳалари ҳажми эса 30 миллиард еврога етган. Европа

Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши савдо-инвестиция алоқаларини янада чуқурлаштириш учун янги имкониятлар очишига ишонамиз.

Биз ЕИ бозорига юқори сифатли, экологик тоза ва Европа стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларни кўпроқ етказиб беришга тайёрмиз. Бугунги кунда самарали транспорт-логистика йўлакларини ривожлантириш аҳамияти ортиб бормоқда ва Марказий Осиё Европа билан Осиё ўртасидаги шунчаки “кўприк” эмас, балки глобал иқтисодий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиши мумкин.

Шу маънода, биз Европа Иттифоқининг “Глобал дарвоза” стратегиясини минтақадаги асосий транспорт лойиҳалари билан уйғунлаштиришни, Транскаспий транспорт йўлагини илгари суриш бўйича “Харакатлар режаси”ни биргаликда ишлаб чиқишни тақлим этамиз. Бу инвестициялар ортиши, инфратузилма ривожини ва инновацион технологияларни жорий этишга янги суръат бағишлайди.

Иқтисодий боғлиқликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш учун савдо тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, Марказий Осиё маҳсулотларининг Европа бозорига кириш имкониятини яхшилаш, техник стандартлар ва сертификатларни уйғунлаштириш зарур. Шу билан бирга, инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, рақамли иқтисодиёт ва инновацион ҳамкорлиқни ривожлантириш жараёнига Европа бизнесини фаол жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Биз, шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки ва бошқа халқаро молия институтлари орқали молиявий кўмак механизмларини фаоллаштиришни қўллаб-қувватлаймиз. Европалик ҳамкорлар иш-тироқида кичик ва ўрта бизнес ривожини учун қулай шaroитлар яратилиши минтақа иқтисодий барқарорлиги ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

– Марказий Осиё – энергия ресурсларига бой ва қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эга бўлган кам сонли минтақалардан бири ҳисобланади. Қайта тикланувчи манбалардан фойдаланиш бўйича кейинги тенденциялар ҳисобга олинса, минтақангиз Европанинг энергетик барқарорлигини таъминлашда қандай ўрин тутиши мумкин?

– Марказий Осиё нафақат энергия ресурсларини барқарор етказиб беришни таъминлай оладиган, балки углеродни қисқартириш бўйича глобал жараёнга ҳам қатта ҳисса қўша оладиган ишончли ҳамкорга айланиши мумкин.

Марказий Осиё мамлакатлари иштирокида амалга оширилаётган Каспий ва Қора денгиз орқали Европага “яшил стратегик йўлак” барпо этиш лойиҳасида ҳамкорлик учун улкан салоҳият мавжуд. Ўшбу лойиҳанинг амалга оширилиши ўзаро манфаатли энергетик боғлиқликнинг мустаҳкам асосини яратadi.

Қайта тикланувчи энергетика соҳасида ҳамкорлик қилиш учун муҳим институционал платформа сифатида Тоza энергетика бўйича Марказий Осиё – ЕИ шериклигини ташкил этиш мумкин. Бу водород ва аммиак каби “яшил” ёқилғи, шунингдек, биоёқилғи ишлаб чиқариш ва қазилма ёқилғи ўрнига улардан кенг фойдаланиш бўйича ҳамкорлиқни йўлга қўйиш имконини беради.

Айни пайтда Ўзбекистон ва минтақадаги бошқа давлатлар қайта тикланувчи энергетика салоҳиятини фаол кенгайтирмоқда. “Яшил” энергетика ва иқлим соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш Марказий Осиёда “углерод кредитлари” бозорини ривожлантиришга хизмат қилади. Бу механизм корхоналарга экологик тоза технологияларга инвестициялар жалб қилиш имконини беради, шунингдек, углерод квоталари савдоси соҳасида халқаро ҳамкорлик платформасига айланади.

Масалан, фаолият юритаётган 14 та янги

қуёш ва шамол электр станцияларига қўшимча равишда умумий қуввати 24 минг мегаватт бўлган 50 дан ортиқ шундай лойиҳани амалга ошириш ниятидир бор.

Яқин беш йилда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 54 фоизга етказишни режалаштирганмиз. Бу иссиқхона газлари чиқишини қарийб 16 миллион тоннага қисқартириш имконини беради ва Ўзбекистон Париж келишуви доирасида иссиқхона газлари чиқиндисини 35 фоизга камайтириш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг муддатидан олдин бажарилишига имкон беради.

Яна бир муҳим йўналиш энергетика тизимларини модернизация қилиш бўлиб, бу уларнинг самарадорлигини оширади ва углерод изини камайтиришга хизмат қилади.

– Бўлажак саммитда хавфсизлик масалалари муҳокама қилиниши истиқболларини қандай баҳолайсиз? Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлиқнинг қайси соҳалари Сиз учун алоҳида аҳамиятга эга?

– Биз халқаро муносабатлар тизимининг чуқур трансформациясига гувоҳ бўляпмиз. Дунёда шундай кенг қўламли ўзгаришлар рўй бермоқдаки, уларнинг оқибатларини ҳозирча аниқ башорат қилиш мушкул.

Худудий хавфсизлиқни таъминлаш Марказий Осиё мамлакатлари учун ҳар доим устувор йўналиш бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, 2023 йилда биз Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи давлатлари ўртасида бу соҳадаги ҳамкорлиқнинг янги кун тартибиди экспертлар муҳокамасига олиб чиқиш вазифасини қўйдик.

Биз яхши тушунамизки, бизнинг минтақамиз ҳам, Европа Иттифоқи ҳам хавфсизлик соҳасида, жумладан, терроризм, экстремизм ва трансмиллий жиноятчиликка, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши кураш масалаларида умумий таҳдид ва хатарларга дуч келмоқда.

Шу нуктаи назардан, Европа Иттифоқи билан хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ўзаро муносабатларимизнинг асосий йўналишларидан биридир.

Бугунги воқеликларни инобатга олган ҳолда, фақат мавжуд дастурлар доирасидаги ҳамкорлиқни давом эттириш билан кечкинаб қолмай, киберхавфлар ва экстремизмга қарши курашишга қаратилган янги ташаббусларни ишлаб чиқиш ҳам муҳим деб ҳисоблаймиз.

– Афғонистон Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Қўллаб-даватлар муваққат ҳукумат билан ҳамкорлик қилиш ҳамда бу мамлакатни минтақавий ва халқаро ҳамкорлик жараёнларига жалб этишдан ўзини тийиб турган бир пайтда Ўзбекистон жанубий қўшниси билан фаол алоқаларни давом эттирмоқда. Ўзбекистоннинг Афғонистонга бундай ёндашувининг сабаблари нимада, бу масалада давлатларимиз ўртасида жадал ҳамкорлиқни давом эттириш истиқболлари қандай?

– Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан ёндашуви ҳар доим прагматик ва узоқ муддатли стратегик тамойилларга асосланиб келган. Биз ҳеч қачон қўшнимиздан юз ўғирмаганмиз, у билан алоқаларни узмаганмиз. Биз қўшни давлатлар, жумладан, унинг яқин ва энг муҳим ҳамкорли сифатида Ўзбекистон билан конструктив ҳамкорлик қилмасдан Афғонистонни ривожлантириш имконсиз, деган фикрга доим ишониб келганмиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Афғонистонга нисбатан олиб бораётган сиёсатимизни қўллаб-қувватламаганларнинг кўпчилиги бугун унинг тўғрилиги, муқобили йўқлигини тан олишга мажбур бўлишмоқда. Афғонистондаги аввалги тузум бир қатор сабабларга кўра ҳокимиятнинг сақлаб қололмаслигига амин эдик. Бу сабаблар қаторида аввалги ҳокимиятнинг мамлакат ҳудудини тўлиқ назорат қилишга қо-

билсизлиги, муҳолифат билан мулоқотга тайёр бўлмагани, инклюзив ҳукуматни шакллантиришга интилмагани ва давлат бошқарувининг барча даражаларида коррупция авж олганини келтириш мумкин.

Ҳозирги раҳбарият Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга, ўз ресурсларини аэропортлар, ички темир йўл тармоқлари, сув-энергетика инфратузилмасини ривожлантиришга ва кўнор майдонларини қисқартиришга йўналтиришга муваффақ бўлди. БМТ маълумотларига кўра, “Толибон” 2023 йилда гиёҳванд моддалар савдосини таққиллаганидан сўнг, Афғонистонда кўнор етиштириладиган ерлар 95 фоизга камайган. Афғонистонда кўнордан холи келажак барпо этиш мақсадида қишлоқ аҳолисига ёрдам кўрсатилмоқда, қишлоқ хўжалигининг муқобил йўналишлари ривожлантириляпти.

Бугунги шароитда биз Афғонистонга стратегик имкониятлар нуктаи назаридан қараш зарур деб биламиз. Ўшбу мамлакатни халқаро иқтисодий жараёнларга жалб этиш, хусусан, унинг ҳудудида инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш жуда муҳим.

Шу маънода, биз Афғонистонга нафақат мавжуд инкироздан чиқиш, балки узоқ муддатли ривожланиш имконини берадиган ижобий кун тартибни ва ташаббусларни илгари суриш учун Европа Иттифоқи ва бошқа халқаро ҳамкорлар билан биргаликда ишлашга тайёрмиз. Ҳозирда биринчи галдаги вазифа – Афғонистонга таълим соҳасида ёрдам беришни давом эттириш, деб ҳисоблаймиз.

Ишончим комил, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва мамлакатни тиклаш Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи давлатларининг умумий манфаатларига жавоб беради.

– Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи қандай қилиб иқлим хавфларига биргаликда қарши туриши мумкин, бу соҳадаги ҳамкорлик учун қандай имкониятлар мавжуд?

– Иқлим ўзгариши – бу энди инкор этиб бўлмайдиган хатар. Марказий Осиё курғоқчилик, музликлар эриши ва сув танқислиги билан юзма-юз келаётган бўлса, Европа аномал иссиқлик, ёғинлар ва экотизимлар ўзгариши билан тўқнаш келмоқда.

Марказий Осиё иқлим ўзгаришига нисбатан энг сезгир ҳудудлардан бири сифатида ўз масъулиятини тўлиқ англайди ва Европа билан узоқ муддатли ечимлар устида ҳамкорлик қилишга тайёр.

Биз учун сўзсиз устувор йўналиш – бу Марказий Осиёда “яшил” кун тартибиди илгари суришдир.

Самарқанд саммити доирасида биз “яшил” ривожланиш бўйича минтақавий концепция лойиҳасини тақдим этишни режалаштирганмиз. Унда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва “яшил” технологияларни жорий этиш соҳасида самарали минтақавий ҳамкорлиқнинг мустаҳкам асосини яратиш кўзда тутилган.

Биз “ЕИ – Марказий Осиё яшил шериклиги” дастурини ривожлантиришни тақлим этамиз. Унинг доирасида қайта тикланадиган энергия манбалари, экотизимларни тиклаш ва иқлимни рақамли мониторинг қилиш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришда кучларимизни бирлаштиришимиз мумкин.

Сув ресурсларини тежаш соҳасидаги сайй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Бу борада Европа Иттифоқи билан ирригация инфратузилмасини модернизация қилишдан тортиб музликларни биргаликда кузатиш ва илгор сув тежовчи технологияларни жорий этишгача бўлган йўналишларда ҳамкорлик учун қатта имкониятларни кўряпмиз.

ЕИ билан ҳамкорлиқни кенгайтиришдан, хусусан, давлат-хусусий шериклик соҳасида Европа тажрибасидан фойдаланишдан умидимиз катта.

Устувор йўналишлардан яна бири – экотизимлар ва биохилма-хилликни тиклашдир.

Таназулга учраган ерларни, шу жумладан, Оролбўйи ҳудудини қўқламзорлаштириш бўйича кенг қўламли дастур – “Марказий Осиёнинг яшил белбоғи” лойиҳасини аллақачон бошлаганмиз.

Бу борада Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш учун улкан салоҳият мавжуд.

Биз экологик соҳада таълим тизимини тақомиллаштириш ва илмий тадқиқотлар ўтказишга ҳам устувор эътибор қаратаяпмиз. Ўтган йили минтақамизда биринчи “Яшил” университетни очдик, бу таълим маскани қўшма тадқиқотлар ўтказиш ва инновацияларни жорий этиш учун самарали майдон бўлиб хизмат қилиши мумкин.

– Бўлажак олий даражадаги учрашувдан нималар кутасиз? Саммит якунида қандай натижаларга эришилишини истардимиз?

– Бўлажак саммит ҳақиқатан ҳам тарихий аҳамият касб этади, чунки биринчи марта Марказий Осиёнинг бешта мамлакатини ва Европа Иттифоқи етакчилари бир жойда тўпланади.

Биз бу саммит Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда янги саҳифа бўлишини кутамиз. Кейинги йилларда ҳамкорлигимиз сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Сиёсий мулоқот янада чуқурлашди, ҳамкорлигимизга янада тизимли тус берадиган, уни узоқ муддатли мақсадларга йўналтирадиган янги механизмлар ишлаб чиқилади, деб умид қиламиз. Минтақалараро, айниқса, иқтисодиёт, савдо, энергетика ва транспорт соҳаларидаги ҳамкорлиқни муҳокама қилиш саммит кун тартибидаги муҳим масалалардан бири бўлади.

Самарқанд декларациясининг имзоланиши саммитнинг асосий натижаларидан бири бўлиши керак. Бу ҳужжат томонларнинг стратегик шериклик ўрнатишга бўлган умумий интилишини акс эттиради. Декларация нафақат эришилган келишувларни мустаҳкамлайди, балки минтақаларимиз ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш учун асос яратadi.

Биз инвестициявий ҳамкорлиқни кенгайтириш, қўшма инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, инновациялар ва рақамли ечимларни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ келишувларга эришишдан умидвормиз.

Албатта, қўллаб-саволларга саммит якунида жавоб топилади. Бироқ ҳозирдан айтиш мумкинки, бу учрашув Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасида барқарор, ўзаро манфаатли шериклиқни барпо этиш йўлидаги муҳим қадамга айланади. Бу шериклик умумий манфаатлар, ишонч ва биргаликдаги тараққиётга интилишга асосланган бўлади.

– Сизда Европа етакчилари ва фуқароларига битта муҳим фикрни етказиш имконияти бўлганда, нима деган бўлар эдингиз?

– Бугунги имкониятдан фойдаланиб, европалик ҳамкорларимизга мурожаат қилмоқчимиз.

Марказий Осиё мулоқот ва ҳамкорлиқни кенгайтиришга очик. Биз барқарор ривожланиш ва халқларимизнинг фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган, ўзаро манфаат ва ишончга асосланган конструктив ҳамкорлик тарафдоримиз.

Биз Европа Иттифоқининг минтақа очкичилигини таъминлаш, унинг раванки ва субъектливини мустаҳкамлашга қаратилган интилишларимизни қўллаб-қувватлаётганини юксак қадрлаймиз. Айниқса, Европа Иттифоқи Марказий Осиёни барқарор ва жадал ривожланаётган, барча манфаатдор томонлар билан очик ва тенг ҳуқуқли шерикликка тайёр бўлган минтақага айлантиришдек мақсадимизда биз билан ҳамфикр экани жуда муҳимдир.

Бўлажак саммит муносабатларимизда муҳим босқич бўлади. Самарқанддаги учрашув натижалари ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш учун янги истиқболлар очишига ишонамиз.

1-6

Шунга қарамай, дунёда уруш хавфи бартарақ этилгани йўқ. Бундан ҳеч бир давлат, ҳеч бир халқ беҳавотир ҳам эмас. Ер, ҳудуд, мол-мулк, бойлик, ҳатто, гап талашин ҳамон давом этаётгиди, баъзан, ҳатто, авжига чиққан, ҳам дегинг келади.

Энди ёруғ гаплардан айтсак, куни кеча Тожикистон Республикасининг Хўжанд шаҳрида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентлари иштирокида бўлиб ўтган тарихий учрашув, бунда имзоланган ҳужжатлар эришилган ютуқлар ҳақида расмий маълумотлардан ҳаммамиз яхши хабардормиз. Очиги, уч давлат халқи шу кунларда ана шу шуқуқ қайғияти билан яаяяпти, дейиш ҳам мумкин.

1991 йили Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллигини нишонлаш мамлакатимиз истиқлолининг биринчи ойига тўғри келди. Ўзбекистон миллий боғида баҳайбат ҳайкал қад ростлади. Шу ҳайкал айвонининг гирдиға шоирдан шундай бир ҳикмат битиш керак эдики, у ҳар тарафлама бизга ёруғ йўлни кўрсатиб туриши зарур эди. Шоир ўзи назму насрда жами 100 минг байт ёзганини таъкидлаган. Ана шунча катта меросдан энг муносиб икки сатр топилш керак эди. Топилди:

Олам аҳли, билингузим, иш эмас душманлиг, Ёр улунг бир-биринизгаки, эрур ёрлуг иш!

Бу ердаги “ёрлиг” сўзи “дўстлик” маъносиди келган. “Эй олам аҳли, билинглarki, душман-

...ИШ ЭРУР ЁРЛИГ ИШ!

лик иш эмас, шунинг учун бир-бирларингизга дўст бўлинглар, дўстлиқни иш деса, бўлади”, деб ўғит беради буюк мутафаккир шоир.

Давлатимиз ўз олдиға жуда катта мақсад қўйган. Бу – тезроқ ривожланган давлатлар сафидан ўрин олишдек буюкдан-буюк вазифа. Шу йўл билангина қарийб бир ярим асрлик мустамлака оқибати бўлимиш асрий қолоқлиқдан чиқамиз, кўкрагимизға шамол тегади, косамиз оқаради. Лекин бунинг учун аввал бутун дунё билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик тизimini яратиб олишимиз даркор.

Ўзбекистон Республикаси Пркезиденти Шавкат Мирзиёев давлат ва халқ олдиға масалани ана шундай тарзда қўндаланг қўйиб келяпти.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг, аввало, ён қўшмаларимиз билан яхши муносабатлар ўрнатишға қаратилган ташаббускорона ғояси амалға оширила бориши Марказий Осиёнинг ўзидагина эмас, бутун дунёда тарихий ислохот, туб бурилиш, доно сиёсат сифатида баҳоланмоқда.

Камина Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги Қирғизон қишлоғида туғилганман. Бу “Қирғизлар” дегани. Табиийки, ўзбекларнинг қирғиз уруғи номиға қў-

йилган. Лекин шу қирғиз, эҳтимоп, икки минг йил бурунги тарихда бўлса ҳам, ҳозирги қирғиз халқи билан қариндош-уруғдош-да. Бир шەърида:

Болаликда Бухорони дунё билдим, Бухоро ҳам Қирғизондан бошланади. Узға ерда йиғлолмайман азада ҳам, Қирғизонда тўйда кўзим ёшланади.

Қирғизонда қирғиз эмас, ўзбек яшар, Тожиқлардан фар қилш қил олади. Қирғиз уруғ тарқалгандир шу қишлоқдан, Билса, Чингиз Айтматов ҳам лол қолади, – деб ёзган эдим. Яшириб нима қилдим, отам ҳам, каминанинг ўзи ҳам, ҳатто, бир ўғлимиз ҳам тожиққа уйланган.

Бевосита қонида ўзбегу тожигу қирғизнинг қони жұшиб турган қайси киши куни кеча юз берган уч давлат ўртасида буюк бириққдан ич-ичидан қувонмайди, дейсиз?

2010 йили май ойидаги Ўш воқеаларида неча минглаб қишлар мамлакатимизға қоқоқ сифатида ўтган эди. Уша пайтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини бўлган Шавкат Мирзиёев бошчилиғидаги ҳукумат вакиллари ва республика жамоат ташкилот-

лари раҳбар ҳодимларидан иборат катта гуруҳ то ана шу қочқлар эсон-омон ўз юртиға қайтғуниға қадар Андижон вилоятида бўлганми. Бу учинчи қўлинг икки қардош-қондош ўл ўртасида олов чиқариш учун қилган кўтқуси эди, албатта.

Ёки ўтган йилларда Тожикистон билан Қирғизистон чегараларида отишмадан бўлмадими?

Энди шуларни куни кеча Хўжанддаги ўзаро дўстлик олий даражада, аср-асрлик аждодларимиз руҳи мос бир миқёсларда, дўстона, шодийна тарзда ўтказилган

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

“СУРАТЛАРДА ВАТАН МАДҲИ”

Яқинда “Тонг юлдузи” газетаси ҳамда Озарбайжоннинг “Азертаж” ахборот агентлиги ҳамкорлигида “Суратларда Ватан мадҳи” танловини ўтказиш (ўзбек, озарбайжон, рус тилларида) бўйича Низом им-золанди.

Хабарингиз бор, ўтган йили апрель ойда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ташаббуси билан бир гуруҳ медиа соҳа вакиллари Озарбайжонга сафар қилган эдик. Бу ҳақда кўп гапирилди, ёзилди, аммо яна сафар таассуротларини таъкидлаб ўтишни лозим топдим.

Сафар давомида Боку шаҳрида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Озарбайжон Матбуот Кенгаши ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланган эди. Сафар давомида “Озарбайжон”, “Халқ газети” газеталари тахририятида бўлиб, мазкур нашрларнинг айна пайтда олиб бораётган фаолияти, ёритилаётган долзарб мавзулар ҳақида суҳбатлашгандик. Шунингдек, “Баку ТВ”, “Евроосиё” халқаро матбуот фонди каби манзиллардаги дилбар учрашувлар халқларимиз ўртасидаги ҳамдўстлик, ҳамкорлик алоқаларининг юксалишига асос бўлади, деб баралла айтишимиз мумкин.

Дунёга машҳур Низомий Ганжавийнинг юрти Ганжа шаҳри эса бизни мутлақ сеҳрлаб қўйганди. Ушбу шаҳарда Ўзбекистоннинг биринчи фахрий консулхонаси очилгани, унда айнан ўзбекистонлик биз журналистлар биринчи меҳмон эканлигимиз айтилганди.

Боку шаҳридаги Озодлик ҳамда Нажав Наримонов кўчалари кешишмасида қад ростлаган буюк ўзбек мутафаккири Алишер Навоий ҳайкали бизларга илҳом бахш этган. Мезбон ҳамкасблар билан аллома ҳаёти ва ижоди ҳақида суҳбатлашганимиз.

Шуни қувонч билан айтишим мумкинки, Озарбайжон сафари айнан дунё болалари, жумладан, Ўзбекистон болалари учун ажойиб лойиҳаларга асос бўлди. Айниқса, “Азертаж” ахборот агентлигидаги учрашув биз учун муҳим аҳамият касб этган. Агентлик директорлар Кенгаши раиси Вугар Алиев “Азертаж” ҳақида маълумот берадиган, унинг серкирра фаолиятига тўхталди, бу ерда саҳиз тилда янгиликларни эфирга узатувчи агентлик фото, видео ва мультимедиа маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқаради, 50 га яқин хорижий ахборот агентликлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Кенгаш раиси агентликда фаолият юритаётган “Детское знание” порталига алоҳида тўхталганди. Эътиборлиси, Вугар Алиев “Тонг юлдузи” газетасининг мобиль иловасини қўллаб-қувватлади ва келгусида газета билан ҳамкорлик қилиш таклифини берди. Бу таклиф, албатта, бизларни ҳам қувонтирди, келгусидаги режалар хусусида келишиб олгандик.

Мана, орадан деярли бир йилча вақт ўтди. Шу ўтган вақт орасида “Азертаж” ахборот агентлиги билан ҳамкорликини йўлга қўйдик. Газетамизда эълон қилинган мақолалар, танловларимиз “Азертаж” ахборот агентлигининг болалар портали орқали кенг ёритиб борилди. Ўз навбатида озарбайжонлик болаларнинг ҳаёти, ўқиши, орзу-истаклари “Тонг юлдузи” газетамизда бериб борилди. Айтиш мумкинки, озарбайжонлик болалар учун “Тонг юлдузи” газетаси нотаниш эмас. Ачинарли томони, Озарбайжонда болалар наشري тахминан ўн беш йилдирки, чоп этилмас экан.

Қувонганимиз, куни кеча Ўзбекистон болалар ва ўсмирларининг “Тонг юлдузи” ҳамда Озарбайжоннинг “Азертаж” ахборот агентлиги ҳамкорлигида “Суратларда Ватан мадҳи” — ўзбек, озарбайжон, рус тилларида танлов ўтказиш бўйича Низом имзоланди.

Яқинда “Азертаж” ахборот агентлиги ҳамда “Тонг юлдузи” газетаси ушбу танловни эълон қилди. Танлов ғолиблари 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида аниқланиши ва тақдирланиши келишиб олинди. Бежизга ҳамкорларимиз билан танловни “Суратларда Ватан мадҳи” деб номламадик. Ўсиб келаётган ёш ниҳоллар қалбида Ватанини асраш, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш, икки давлат болалари ва ўсмирлари ўртасида дўстлик, қардошлик ришталарини мустаҳкамлаш, миллий урф-одатлар, анъаналарга бўлган қизиқишларини орттириш, илгор ғоялар муаллифларини рағбатлантириш танловнинг асосий вазифасидир.

Феруза СОЙНБЖОН ҚИЗИ,
“Тонг юлдузи” газетаси бош муҳаррири.

ЖУРНАЛИСТ УЧУН ҲАМ КАЙФИЯТ МУҲИМ

“Кайфиятнинг кўтаринчилиги ижодкорга илҳом беради-да”. Шу каби қизиқ гапларни бугун Пастдарғом тумани Жағалбойли маҳалласида яшовчи фахрий журналист Тоғаймурод Шомуродовдан эшитиб қайтдик. Улуғ айём — ҳайит байрами олдидан устозни йўқлаб, ҳамкасблар билан бордик.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Фармон Тошев, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими раиси Акрам Ҳайдаров, “Зарафшон” газетаси муҳаррири ўринбосари Ғолиб Ҳасанов Тоғаймурод ака билан суҳбатлашаркан, аввало, фахрий журналист тахриратни соғинганини, ҳамкасблар, шоғирдлар билан дилдан суҳбат қуришини айтиб, иш жараёнидаги қизиқ воқеаларни эсга олди.

— Жамоадагилар сизнинг аскияга бой гапларингизни иш жараёнида ҳам доим қўллади, — дея гап қўшди Ф.Тошев. — Сизнинг ўғитларингиз, гапларингиз тахририятда бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмасдан келмоқда. Бу, албатта, сиз яратган мактабнинг меваси деяр айта оламан. Жамоадаги ходимларнинг газета саҳифасига бераётган материаллари муштариларга ҳам манзур бўлмоқда. Бунинг учун сизга миннатдорлик билдираман.

— Ҳар қандай ижодкор учун, аввало, қарийб эйр бўлиши керак, айнан ўша юқори кайфият журналиста илҳом беради, мақоласини халқчил ёзишга ундайди, — деди Т.Шомуродов. — Ҳозирги ёш журналистларни ҳам айнан шу кайфият билан ёзишга ўргатиш керак, назаримда. Улуғ айём арафасида йўқлаб келганларингизнинг ўзи менга ўша кайфиятни бағишлади, ижодларингга барака берсин.

Тоғаймурод Шомуродов узоқ йиллар “Пастдарғом ҳақиқати” газетасида масъул котиб, “Зарафшон” газетасида мухбир, бўлим муҳаррири, масъул котиб, муҳаррир ўринбосари, мураббий-мухбир сифатида фаолият кўрсатган.

Камтарона меҳнати туфайли “Дўстлик” ордени билан мукофотланган. Устознинг “Жоннинг ҳузури”, “Хотининдан қўрқмайдиган одам”, “Замин фарзанди”, “Осмон қулаган кун”, “Мунгли кўзлар” каби китоблари чоп этилган.

Тоғаймурод аканинг оиласини том маънода журналистлар оиласи дейиш мумкин. Фарзанди Лутфулла ва невараси Шаҳзод бугунги кунда телевидение соҳасида меҳнат қилади.

Суҳбат охирида Т.Шомуродов: “Бугунги тинч ва осуда кунларимизга, юртимизга кўз тегмасин”, дея дуо қилди.

А.Ҳайдаров устозга уюшма вилоят бўлимининг совғасини топшираркан, кексалик гаштини суриб, набиралар қуршовида узоқ умр кўришини, ҳали қўллаб ёш ижодкорларга қимматли маслаҳатларини беришини айтиб, ижодий баркамоллик тилади.

Қамина ҳам у ерда бўлган устозларнинг суҳбатидан юқори кайфиятда бўлиб қайтдим.

Ҳусан ЭЛТОЕВ,
журналист.

ЯНГИ НАШРЛАР

ДОЛҒАЛИ ДАВР КЕЧМИШЛАРИ

Маматқул Ҳазратқулловнинг кетма-кет нашр этилган икки китоби — “Варақсиз дафтар” ва “Қирғоқсиз дарёлар” — ўзбек адабиёти, ўзбек бадиий публицистикаси ҳамда ўзбек мемуарчилиги ривожига қўшилган муносиб ҳисса бўлди, деб ўйлайман. Заҳматкаш адиб, моҳир публицист, таниқли сиёсат ва жамоат арбоби, устозимиз Маматқул акани бу ижодий муваффақияти билан чин дилдан табриклайман.

Айни пайтда, ушбу икки тўпламни юксақ китобат санъати талабларига биноан чоп этган “Олтин мерос пресс” нашриёти ҳамда Ғафур Ғуллом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоасини ўқишли янги насллари билан табрикласак арзийди.

“Варақсиз дафтар” ва “Қирғоқсиз дарёлар” — шубҳасиз, астойдил ўқиладиган, фикрлашга ва мулоҳазага чорлайдиган ноёб китоблардир.

Ноёблиги нимада?

Аввало, қамровининг кенглигида. Оз эмас-кўп эмас, ярим аср, балки ундан ҳам кўпроқ давр воқеалари қамраб олинганда. Ўтган асрнинг қуруқ баёни эмас, адабиётдаги, санъатдаги, сиёсатдаги, умуман, ижтимоий ҳаётдаги жараёнларнинг инсонлар тақдирдаги инъикосида, мароқ билан тасвирланганда.

Яна бир муҳим жиҳати — самимийлигида. “Варақсиз дафтар”да жамланган хотираларни маза қилиб ўқийсиз. Унда ичақузди хангомалар, нозик кузатишлар, ибратли ҳикоялар, қутилмаган хулосалар — ҳаммаси бор. Ҳаммаси бир инсоннинг эслашга, ровийлигига муносиб, ажойиб ва гаройиб кечмишларидир.

Кимлар ўз кечмишлари ҳақида ёзиши ва ёзганлари бошқаларнинг эътиборини тортishi мумкин? Аёнки,



долғали даврларда яшаб, унутилмас воқеаларга, улкан тарихий эврилишларга гувоҳ ва бевосита иштирокчи бўлган шахслар. Маматқул аканинг бошидан ўтган воқеаларга, китобларидан жой олган ёдномаларига ҳавасингиз келиши тайин.

Бу икки китоб Ватанимизнинг яқин ўтмишдаги тарихи, адабиёти, санъати, фалсафаси, халқимизнинг истиқлолга эришиш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш йилларидаги ҳаёти, ютуқлари, чеккан изтироблари ҳақидаги бадиий, айни пайтда, ўзига хос ҳужжатли солномалардир. Тарихни инсонлар яратади. Миллий тараққиётимизга ўз ижоди ва амалий фаолияти билан катта ҳисса қўшган улугларимиз ҳақидаги ўқишли ҳикоялар жамланган бу тўпламларга.

Ушбу мажмуалар — кўпни кўрган, иродаси мустаҳкам, эл-юрт ишида қойим, фидойи ва дошишманд адибнинг, йирик арбобнинг мозаика шаклида бирилган, лекин китобда яхлит бир бутунлик касб этган ғоят жозибали мемуаридир.

Ўзбекнинг не-не адиблари, олимлари, санъаткорлари, улаомлари,

яъни, зиёлилари ўз илмий-ижодий ишини четта суриб қўйиб, умрини салтанату сиёсатга — Ватанимизнинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш ишига бағишлаганини яхши биламиз.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Маматқул Ҳазратқуллов — чекига ана шундай буюк синовлар тушган, миллий истиқлолимизни елкасида опичлаб катта қилган фидойи авлоднинг камтарин вакилларидан. Бу авлод истиқлолимизнинг аввалидаги ғоят қалтис давр юкини — миллий давлатчилигимизни тиклаш ва мустаҳкамлашдек улкан масъулиятни ўз зиммасига олди. Хатолардан чўчи-мади ва эл-юртимизга, келажак авлодларга бебаҳо хазина ҳадя қилди. Ўша хазинанинг номи бой тажриба, тарихий хотира ва истиқлол ишига сидқу садоқатдир.

Маматқул ака китобларининг мутлоаси ўқувчини ана шу улкан хазинадан кенг баҳраманд этади.

“Варақсиз дафтар” — миллий мемуарчилигимиздаги шаклан ва мазмунан янги йўналишнинг бошланиши. Муаллиф ижодий меҳнатининг виждон сарҳисоби. Биламизки, кўпгина

арбобларимизнинг хотираларини ўқишнинг ўзи азоб. Солиқ идорасига тақдим этиладиган ҳисоботдан фарқи кам.

Мен Маматқул ака билан узоқ йиллар бирга ишлаш насиб этган қаламкаш сифатида у кишининг янги китобларида дарж этилган воқеа-ҳодисаларнинг кўпларидан хабардорман. Бинобарин, китобга жамланган асарларнинг аксариятини сиёҳи қуримасидан ўқиганман. Муаллиф китобхонга ақл ўргатмайди. Насихат қилмайди. Ғуё у билан гуфтиғу қилиб гурунглашади.

Маматқул ака ҳақида гап кетар экан, у кишини иш одами, баракали, серхафсала инсон, дегим келаверади. Бу фазилатларнинг сири нимада? Масъулиятда, заҳматда! Ўз касбига, Ватанига, халқига, адабиётга меҳрида, садоқатида. Қаерда, қайси ишга қўл урмасин, бор меҳрини бериб, чин ихлос билан меҳнат қилишида.

Адибнинг мутлоасаварларга тақдим этилган янги китоблари ана шундай улкан меҳр, чин ихлос ва катта ҳафсаланинг меваларидир.

“Қирғоқсиз дарёлар”дан жой олган эсселарда ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилинган атоқли ёзувчилар, машҳур санъаткорлар, таниқли жамоат ва сиёсат арбобларининг сафи анчагина кенг. Шундай улуглар қаторидан марҳум Низом Комилов, Асад Дилмуродов, Отаёр Наҳанов каби ғоят камтарин, беҳад камсукум, ҷумолидек заҳматкаш адибларга ҳам жой берилганини кўриб, муаллифдан миннатдор бўласиз.

Маматқул ака Ҳазратқулловнинг янги китоблари, бошқа асарлари каби, қўлма-қўл бўлиб ўқишлишига, талай мақолалар ва илмий тадқиқотларга асос бўлишига ишонаман.

Қулман ОЧИЛ

ЁД ЭТИБ

ҚИШЛОҚДАГИ ЭНГ БОЙ ОДАМ ЭДИ

Бунга анча йиллар бўлди. Айланиб юргандим, почта биноси ёнидаги чинор соясида гурунглашаётган тўрт-беш чолларнинг суҳбати диққатимни тортди.

— Хўш, почча, қишлоқдаги энг бой одам кимлигини билдингизми? — сўради Қаюм бобо ёнидаги Ниёз бободан.

— Пастпадан Тўйлибойни айтсак бўлади, иккита “Нексия”си, трактори, тегиromoн бор. Сигири, қўй-эчкиси бир сурув. Ўғиллари топармон. Ана, ўтган йили пишиқ гиштдан иморат кўтарди, дангиллама тўй қилди, — жавоб берди Ниёз бобо.

— Яхши, лекин ўша бойингиз элга, қишлоқдошларига нима қилиб берди? Шунга айтинг.

— Энди бу ёғини билмадим, қайним...

— Мен ҳам бу саволга жавобни кўп ўйладим ва охири топдим.

— Ким экан у мардум, биз ҳам эшитайлик, — дея суҳбатга аралашди Тошўлат махсум қўлидаги газетани варақлашдан тўхтаб, доимий ҳамроҳи Расул чўпонга бир қараб қўйган.

— Домла Раҳимов.

— Эй, шамоллаганмисиз?! Абди домла сизу бизга ўхшаган одам бўлса, ёки тилла-пилла топиб олганимиз — лўқма ташлади Мейли дўкончи.

Қаюм бобо жилмайди.

— Ҳа, тўри айтасиз, муаллимнинг ортиқча мол-дунёси йўқ, аммо туганмас “хазина”си бор.

Ўтирганлар сергак тортишди.

— Хўш, нимаси бор экан? — сўради кимдир шо-шилиб.

— Домланинг ёзган ўнлаб китоблари, бой кутубхонаси, тахлам-тахлам газета-журналлари ҳар қандай бойликдан қиммат туради, — деди Қаюм бобо завқланиб.

Аниқ ёдимда. Ўтган асрнинг 70-йиллари эди. Қишлоғимиздаги мактабнинг еттинчи синфиди ўқирдим. Кунларнинг бирида синфимизга янги муаллим келди.

Муаллим бошқаларга ўхшамаган ҳолда ҳар биримиздан қандай китобларни ўқиганимиз, қайси ёзувчи ва шоирларнинг асарларини ёқтиришимизни обдан суриштирган, ўзининг вилоят газетасида чоп қилинган шеърларини ўқиб берди.

Бизлар ҳайратдан лол қолган эдик. Чунки қаршимизда оддий адабиёт ўқитувчиси эмас, балки тирик шоир турарди.

Бу Абдिवой Раҳим эди. Муаллимнинг болалиги дарё бўйидаги қишлоқда кечди. Оила эл қатори яшаб келаётганди. Аммо халқ бошига мислсиз кўрғиликларни келтирган уруш бу хонадоннинг ҳам тинчини бузди. Отаси Раҳим акани меҳнат баталонига олиб кетишган, рўзгорининг барча юки онаси Гулсун момонинг елкасига тушди. Аёл фарзандларини боқиш учун кетмон чопди, ғалла ўрди, қўш ҳайдади. Қирқ тўртинчи йилнинг кузиде отаси Раҳим ака урушдан оғир дардга чапиниб келди-ю, эртасига бандалики бажо келтирди.

Оила бир амаллаб кун кечирди.

Нихоят, барчани зориктирган кунлар келди. Уруш тугаб, тинчлик даври бошланди. Болалар мактабга қатнай бошлашди. Гулсун момонинг болалари ичида Абдиси бошқачароқ эди. Камгап, ўйчан ва сеҳлини. Болақай мактабда аъло баҳоларга ўқиди, уни адабиётнинг сеҳрли оламига етаклаган муаллим Қурбонмурод Мирзаев бўлди.

У мақолалар ёзди, шеърлар машқ қилди. Ёзганлари туман ва вилоят газеталарида босилиб чиқди. Мактабни битиргач, катта орузлар билан азим Самарқандга йўл олди.

Ўша йилларда ҳам ўқишга кириш осон эмасди, у дорулфунуннинг филология факультетига кириш учун еттига имтиҳон топширди ва юқори балл тўплаб талаба бўлди.

Сергайрат талаба устозларидан сабоқ олиш билан бирга ёшлик эҳтиросларига бой шеърлар ёзди. Аммо талабалик йиллари Абдижон учун “олтин давр” эмасди. Чунки онаси касалманд, опаси турмушга чиққан, акаси Бўрибой ҳарбийда хизмат қилар, укаси Парда эса мактаб ўқувчиси эди. Шу сабабли у дам олиш кунларида одамларнинг турли юмушларини бажариб қойчақа топди.

Нихоят, 1958 йилда Абди Раҳимов “Масал жанри ва ўзбек масалчилиги” мавзусида диплом иши ёзиб, аъло баҳога ҳимоя қилди. Шу-шу ўзи ҳам масаллар ёза бошлади. Масал жанри бизга Гулҳанай бобомиздан қолган мерос. Қолаверса, бу соҳада қалам тебратганлар бармоқ билан санарли даражада эканлигини эса жанрининг мураккаблиги билан изоҳлашдан бошқа баҳонамиз йўқ. Абдидивой Раҳимни Қашқа воҳаси адабий муҳитида қалам тебратётган ағона масалчи шоир, десак, эътирозлар бўлмаса керак.

Эсимда қолгани “Шарқ юлдузи” журналида босилган “Терак” шеърини олайлик.

**Соясига қараб дер терак:
“Мендек бўйдор, сарвқомат бўлмаса керак...”**

Ёки:

**“Йўлбошчидан”, — деб гердаяр гилдирак,
Гайка чиққач, жар ёқалаб кетди пилдирак.**

Яқинда шоирнинг туркум масаллари эълон қилинди. Мана, “Бодом гуллабди” шеъри:

**Январё ойи қишининг ҳали ўртаси,
Кун чиқшиш ботиш — ўзи бир қадам.
Чорбоғдаги ниҳоллардан биттаси
Эртани уйғонди — гуллабди бодом.
Аммо аёз эрта гуллаган бодомни
қоқиб кетди.**

**Шу ҳолни бировга қиёс этгум бор,
Енгил табиатли бесабр ёшлар.
Ҳаётга шошилиб қадамин ташлар,
Вақт ўтгач, йиғлашиб юради зор-зор.**



Абдидивой Раҳим ана шундай қувноқ ва бироз “тегиб” кетадиган масалларини жамлаб “Олтин игналар” номи билан нашр эттирганига ҳам йигирма йилча бўлди. Эсимда, ўшанда китоб қўлма-қўл бўлиб кетганди.

Олий таълим масканини битирган йигитни йўланма билан Сурхондарёнинг олис Дашнобод қишлоғидаги мактабга ишга юборишди. Жанубнинг тақрорланмас табиати, жўмард одамлари ёш шоирнинг қалб торларини чертди. Унинг “Дашнобод анори”, “Анор”, “Чўтир дебди”, “Чўлга кел” деб номланган шеърлари ўша йилларда дунёга келди.

Абдидивой Раҳим Гузор туманидаги “Янги ҳаёт” газетасида ишлаган кезларида Қиём Бурҳонов, Ҳусанжон Аминов каби ижодкорлар билан ҳамфикр бўлди. Шу орада Қамашида ҳам газета ташкил этилди. У тахририятда масъул котиб, муҳаррир ўринбосари лавозимларида самарали меҳнат қилди.

Бу даврда қатор газета ва журналларда унинг “Сунъий денгиз”, “Чўл булбули”, “Оқрабобда оқ уйлар”, “Эслаб қўйинг уни, одамлар”, “Қизилтом Тараси”, “Одамбормасга одам келди”, “Девонбеги шунқор”, “Қамашидан Берлингача”, “Разведкачи қиз”, “Қурбон тўпчи”, “Жасур разведкачи”, “Чимқўрғон чироқлари”, “Жонбўзсой жонқуярлари”, “Бир фарибгар ва қирқ лақма” каби ўқишли мақола ва очерк, фелетонлари эълон қилинди. Кейинчалик Абдидивой Раҳим ёзганларини тўплаб, “Уқ ёлғири остида”, “Насриддин афандининг набиралари” каби номлар билан чоп эттирди.

Абдидивой Раҳим олтимси ёшида нафақага чиқди. Ижодкорда ўз устиде кўпроқ ишлаш, янги асарлар ёзиш имконияти туғилди. Кўп ўтмай унинг “Қиличбўз” номли тарихий ва ёшлар ҳаётини ақс эттирган “Адашган қиз” қиссалари, шунингдек, “Интизор” романи дунё юзини кўрди. Кейин эса кеска ижодкор “Санчиқул қўшиқлари”, “Чимқўрғон чироқлари”, “Ун саккиз ёшимгача” каби шеър, баллада, очерк ва достонлардан иборат китобларини ўқувчиларга тақдим этди. Абдидивой Раҳим аллома, ғазалнамеш шоир Абдулла қори Гулшаний адабий меросини ўрганиб, шоирнинг “Алвидо” ғазаллар тўплами ва унинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган “Абдулла Гулшаний” китобини нашр эттирди. Устози ҳаёти ва ижодида бағишланган ўндан ортиқ мақолаларини газета ва журналларда эълон қилди, алломанинг ёшлиги ҳақида “Тонгда сўлган лол” пьесасини яратди. Серқирра ижодкор Қамашиде ўзига хос бир адабий мактаб яратди, десак, муболага бўлмайди. Бугунги кунда ўзларининг сермаҳсул ижоди билан элга танилган қашқадарёлик ижодкорлар Момоҳол Элмуродова, Абдулла Бобоёров, Йўлдошбек Кенжа, Абдусаттор Жуманазар каби шоир, адиб ва олимлар муаллимнинг муносиб шоғирдларидир.

Саксон икки ёшида вафот этган ижодкор Абдидивой Раҳим номи адабиёт мухлислари ва ўқувчилари қалбиде узоқ йиллар яшайди, албатта.

Ўролбой ҚОБИЛ

МУШОҲАДА



РАҲБАР

ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Буюк аллома Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шахри” асарида раҳбарлик ато этган кишиларнинг қандай фазилатларга эга бўлиши лозимлиги ҳақида ҳикматли хулосалар айтилади. Асарда оддий сўз билан айтганда, раҳбар киши биринчи навбатда билимли, маънавияти инсон бўлиши, адолат билан иш тутиши лозимлиги уқтирилади. Аммо амал курсисига ўтирган ҳамма кишида ҳам ана шундай фазилатлар мужассам деб ўйлайсизми? Ҳатто ушбу асаринигина эмас, умуман ўқиб, газета-журнал ўқимаслиги билан мактанадиган катта-кичик раҳбарларнинг борлиги таассуфланарлидир. Қани эди, ҳар бир катта-кичик амалдор Президентимизнинг китобхонлика, китоб мутлоаасига сиёсат даражасида эътибор қилаётгани мағзини чаққанида эди. Қўйидаги мушоҳадалар ҳаётий мисоллар асосида қаламга олинди.

“ЮРАГИНИ ЁРИБ, ҚЎЛИГА БЕР!”

Бундан ўттиз йилча бурун бир идорада ўзининг “сиёсати” билан ном қозонган киши бошлиқ бўлган экан. Сўқончичилиги билан ном қозонган бу одам жамоадаги аёлларни ҳам аяб ўтирмаган, дейишди. Ходимлар азбаройи ишни йўқотишдан қўрққанлигидан “гинг” деёлмас, ҳатто иш калтак ейишгача етиб борса ҳам миқ этмай тураверишаркан. Иттифоқо, унинг шогирдларидан бирининг мартабаси ошибди, мансаб курсисига ўтирибди. Шунда у шогирдига ўз тажрибасидан “маҳорат дарси” ўтибди.

— Раҳбар деганининг кўзи-ю қадамидан ўт чақнаши керак! — дея гап бошлабди давра кўрган устоз. — Тишиннинг оқини бекитиб олгин, уни ҳатто болаларинг ҳам кўрмасин. Атрофдагиларга доим қошинини чимириб, кўзларингни лўқ қилиб қарагинки, улар сенга айтмоқчи бўлган сўзларини-да унуттишин.

— Сиз бошлиқ сифатида илк иш кунингизни қандай бошлагансиз?

— Мен ходимларимни кўлга олишни қўйилмақом қилиб уддалайман. Биринчи кундан юракларини ёриб, қўлларига тутказаман... — нашъа қилиб қилибди мўйсифид.

— А? Йўғ-э? Қанақасига?

— Котибага “ҳаммани йиғ”, дейман. У ҳаммани мажлисга йиғади. Олдидан тайинлаб қўйганимдек, баҳайбат чойнақда чой дамлаб келади. Чойнакни столимнинг омонат жойига — чеккасига қўйиб кетади. Ана ундан кейин “айбдор” ходимлардан бирини чорлайман. Узоқроқ турган бўлса, қийноқ кел, дейман. Бақир-чақир қилиб, захримни сочаман. У ҳеч нарсадан беҳабар мунгайиб тураверади. Шунда бор кучим билан столнинг чойнақ турган қисмига мушт тушираман. Нима бўлади?... Ҳа, бале, чойнақ тўнкарилиб, қайноқ чой ходимнинг тиззасига тўкилади. Бечора мушук боласидек ингиллаб нари қочади. Буни кўрган бошқалари дағ-дағ титрайди. Менинг ғазабимга яна кимдир нишон бўлишдан ҳадиксираб туради... Хуллас, одамларим мени кўрганда Худонинг ғазабига йўлиққандек бўлади. Урган, шогирд!

Ҳозир бундайлар йўқ, дейишингиз мумкин, аммо шундай савиядаги раҳбарлар борлигини инкор ҳам этолмайсиз.

ИККИТА ТОИФА БОР...

Ҳеч эътибор қилганимисиз, баъзи меҳнат жамоаларида янги раҳбар келиши катта хавотир билан қарши олинади. Шундай пайтда ўша раҳбарнинг феъли-ю аъмолидан яхшигина хабардор кишилар ўз ихтиёрлари билан ишдан бўшаб кетадилар. Чунки улар яхши биладикки, “нозик табиатли” бошқарувчи билан узоққа бориб бўлмайди. Ўнлаб, юзлаб ва минглаб жамоаларда меҳнат қилаётган инсонларнинг ва соҳанинг тақдири, аслида, мана шу одамнинг қўлида бўлади: эпласа — жамоани гуллатади, эплалмаса — ҳар иккисини ҳам хонавайрон қилади.

Менимча, раҳбар икки тоифага мансуб: биринчиси — ўриндиққа ўтириши билан (команда тузиш мақсадида) бир бошдан ҳаммани бўшатишга киришиб кетади; иккинчиси — ишга келиши билан жамоани кучайтиришга ҳаракат қилади. Муаммо ечимини ходимни ишдан бўшатишда кўрган бошлиқ бегона ўтга қўшиб экинни ҳам ёппасига қийратган болага ўхшайди. Бир қарашда иш кўрсатилгандек тасаввур қолдиради. Афсуски, натижа кузда билинади.

Оёғини чўзиб буйруқ берадиган эмас, енг шимариб ўзи ҳам ишга киришадиган, бу орқали қўл остидагиларини руҳлантирадиган киши чинакам раҳбардир. Биз бундайларни лидер деймиз. Улар муаммони кимларнингдир гапига қараб ҳал қилмайди. Ходимларига адолатсизликдан сақланади. Масала вужудга келганида, кўпнинг фикрига қараб хулоса қилади. Соясига кўрпача соладиган лаганбардорлардан ўзини четга тортади.

Кўпни кўрган бир устознинг бу борадаги бир гапи эсимга тушади: “Ҳар қандай бошлиқ раҳбар сифатида шаклланган бўлиши шарт, акс ҳолда, у шахс бўлолмайди”.

АРКАДИЙ РАЙКИННИНГ ЭРТАК ҲАЖВИЯСИ

Ўрмон ахлига Аййқ керак эди, аммо бир ставка Куён штати бўш экан. Аййқ рози бўлди. У Аййқ қиладиган ишни бажариб, Куёнга бериладиган маошга ишлай бошлади. Бу ўрмонда Аййқ штатига Куён расмийлаштирилганини билгунга қадар у ишини виждонан бажарди. Аммо... Аййқ ҳайрон. Бу қанақаси? Муштдеккина жони билан Аййқ оладиган маошга Куён эгалик қилиши адолатсизлик-ку! Аййқ ўрмон раҳбариятига шикоят қилибди. Раҳбарият комиссия тузибди. Комиссия куёндан сўрабди:

— Сиз Аййқмисиз?

— Албатта, Аййқман! — дадил жавоб берибди Куён ва Аййқ эканлигини тасдиқлайдиган ҳужжатни тақдим этибди. Жаҳлланган Аййқ: “Ахир у Куён-ку, мана менман — Аййқ”, деб қичқирибди. Ундан ҳужжатини кўрсатишини сўрашибди ва баҳсга нўқта қўйишибди:

— Сизнинг Куён эканлигингиз ҳужжатингизда аниқ ва равшан ёзиб қўйилибди. Тортишувга ҳожат йўқ!..

Худди эртакдагидек ташкилот раҳбарлигига муносиб бўлмаган кишилар келар экан, ахвол ўнгла-ниш ўрнига, ёмонлашиб бораверади. Унинг дипломи ёки нуфузли идораларда ишлаганини тасдиқловчи резюмеси эмас, билими, тажрибаси ва маънавияти устувор бўлиши даркор. Ишхонасини ишратхонага айлантирган ёки коррупцияга аралашиб, обрўйидан айрилганлар маънавиятдан маҳрум кимсалар эмасми?

КАСАБА УЮШМА РАИСЛАРИ ТАШКИЛОТ РАҲБАРИДАН МУСТАҚИЛМИ?

Жамоа бошқарувдаги шахс ҳаммамизга ўхшаган инсон. У ҳам сизу бизга ўхшаган одамлар орасидан танланади. Қаттиққўллик қилиши, ишни талаб қилиб, сусткашлиқлар учун жазолаши мумкин, бироқ кўра-била туриб адолатсизлик қилишга ҳаққи йўқ. Ишламайдиган ходимга устуворлик ва имтиёзлар бериб, заҳматкаш ишчисига зуғум қилиши мумкин эмас. Тизим ривожини учун қуйиб-пишган, кези келганда хато-лар ҳақида гапирган кадрни эса таъқиб қилиши ҳеч бир қонун ва меъёрларга мувофиқ келмайди.

Зеро, жамиятимиз ва қонунларимиз демократик тамойилларга асосланади, қулдорлик ёхуд феодал тузумга эмас.

Ҳамма жойда ҳамма ўз ишини қиляпти, деб ўйлайсизми? Бировнинг аравасини бошқа биров тортмаётганига ишончингиз қомилми? Чинакам кадр сояда қолмаётими?

Ташкилот ва идоралардаги касаба уюшмаларининг вазифаси фақатгина уч-тўрт ходимга соға-салом беришдан иборат, деб ўйлагувчилар қаттиқ адашади. Улар шу жамоада меҳнат қиляётган ишчи-хизматчиларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилишлари, ижтимоий тенгликни таъминлашлари ҳам керак. Афсуски, ҳамма жамоаларда ҳам уларнинг таъсирини сезиларли деб бўлмайди. Раҳбар кимнидир ишдан бўшатса, бунинг сабабларини ўрганиш ва ходимга адолатсизлик қилинган бўлса, уни ҳимоя қилиш кўпнинг ҳаёлига келмайди. Чунки ҳеч ким бошлиқ билан зиддиятга боришни истамайди.

Нима қилиш керак? Корхоналардаги касаба уюшмалари раисларининг дахлсизлигини таъминлаш, унинг раҳбарга мутелигига чек қўйиш механизмларини ишлаб чиқиш керак.

Мен бу билан касаба уюшмалари ишламаяпти, демоқчи эмасман. Муаммо катта қозонда қайнагандан кейин касаба уюшмасининг юқори турғувчи органлари аралашуви билан айрим масалалар ҳал этилаяпти. Лекин муаммо ташкилотнинг ўзида ечилса, янаям яхши эмасми? Оворагарчиликлар, асаббузарликлар ва ортиқча харажатларнинг олди олинмайдими?

МУАММО — ИМКОНИАТ!

Қўлга ҳайдовчилик гувоҳномасини олганларнинг ҳаммаси ҳам улловни маҳорат билан бошқара олмагани каби раҳбарлик курсисига ўтирганларнинг барчаси ҳам унинг юқини кўтаришга қодир эмас. Биз ишдан кетган кишиларигагина “эплло-мади”, деган нисбатни беришга ўрганиб қолганмиз. Аслида, ўн йиллаб ишлаб, бошқарувда нўноқ бўлганлари ҳаётимиз давомида учратганмиз. Инсоният тарихида нуфузли компанияларни, брендларни ва тизимларни таназзулга учратганлар ҳақида мисоллар кўп.

Раҳбарлик фақат маъмурий лавозим эмас, балки катта масъулият ва санъат ҳамдир. Жамоани бошқарадиган раҳбарда қуйидаги муҳим фазилатлар бўлиши керак: интеллектуал салоҳият, маънавият ва дунёқараш, савия ва мулоқот маданияти, муаммоларни ҳал эта олиш қобилияти...

У ўз шахсий ривожланиши йўлида изланади, ўқиб-ўрганади. Миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилади. Адолатли бўлади. Янгилликка очик бўлади: бошқаларни ўз қоллига солишга уринмайди. Муаммолар вужудга келганида, ўриндиғи орқасига яширинмайди. Раҳбар хато қилмайди, қабилдаги стереотипларни шахсий шиориға айлантирмайди. Энг асосийси, ҳақиқий лидер ходимлари учун жонини жабборга беради. Уларнинг истиқболи учун ҳаловатидан кечади.

Ҳар бир муаммо — раҳбар қобилиятини кўрсатиб берадиган имконият. Донолик ва лидерлик қобилиятига эга раҳбаргина бу имкониятдан унумли фойдаланишни яхши билади. Нўноқ раҳбар эса муаммо билан эмас, уни айтган одамлар билан курашиб ўзини обрўсизлантиради.

Ҳамзабек ТУРДИЕВ,
журналист.

ХОРИЖ

АҚШ БОЖЛАРИГА НИСБАТАН ҚЎШМА ЖАВОБ

Хитой, Япония ва Жанубий Корея ҳукуматлари АҚШ янги бож тариқларига мувофиқлаштирилган жавоб бериш ниятида. Бу ҳақда Хитойнинг “ССТV” давлат телекомпаниясига алоқадор ижтимоий тармоқдаги аккаунтига таяниб, “Reuters” хабар берган.

“Хитой, Япония ва Жанубий Корея АҚШ тарифларига биргаликда жавоб беришга келишиб олдилар”, деб хабар берган агентлик.

Жорий йилнинг 30 март куни Жанубий Корея саноат вазири Ан Дук-Гун, Япония савдо вазири Ёжи Мурото ва Хитой савдо вазири Ван Вентао сўнги беш йил ичида биринчи уч томонлама учрашув ўтказиб, иқтисодий алоқаларни чуқурлаштиришга келишиб олишган.

Томонлар, жумладан, “минтақавий ва глобал савдони” ривожлантириш мақсадида Жанубий Корея, Япония ва Хитой ўртасида эркин савдо келишуви бўйича мулоқотни фаоллаштиришга ҳам келишишган.



ШВЕЦИЯЛИК ЖУРНАЛИСТ ТЕРРОРИЗМДА АЙБЛАНМОҚДА

Туркия ҳукумати журналист Жоаким Мединни террорчилик гуруҳига аъзоликда ва “президентни ҳақорат қилишда” айбламоқда. Туркия расмийлари эса унинг ҳибсга олиниши журналистик фаолияти билан боғлиқ эмаслигини айтмоқда.

Истанбул ҳокими Экрем Имомўғлининг ҳибсга олинишига қарши миллий норозилик намоийшларини ёритиш учун мамлакатга келганидан сўнг ҳибсга олинган швед журналисти Жоаким Мединга қарши Туркия ҳуқуқ идоралари айбловлар қўйган. Швециянинг “Дагенс ЭТС” газетаси муҳбири Жоаким Медин “қуроли террор ташкилотиде иштирок этиш” ва “президентни ҳақорат қилиш”да айбланиб ҳибсга олинган, деб хабар қилган Президент идораси.

Журналист ўтган ҳафта 27 март куни Истанбул аэропортида қўлга олинган ва эртаси куни ҳибсга олинган. Туркия президенти маъмурияти қошидаги дезинформацияга қарши кураш маркази баёнотида айтилишича, журналист “аксил-турк хабарлари ва ПКК террор ташкилоти (Курдистон Ишчи партияси — тахр.)га яқинлиги билан танилган”. Ҳибсга олиш қарори “ҳеч қандай ҳолатда унинг журналистик фаолияти билан боғлиқ эмас”, деб таъкидланган хабарда.



ЗЕЛЕНСКИЙ ИККИНЧИ МУДДАТГА САЙЛАНИШГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Украина президенти Владимир Зеленский иккинчи муддатга сайланишни режалаштирмоқда. Мамлакатда ҳарбий ҳолат бекор қилингандан сўнг, июль ойидаёқ сайловлар ўтказилиши мумкин, аммо АҚШ бунга 20 апрелгача эришмоқчи. Бу ҳақда “The Economist” манбаларга таяниб ёзади.

Журналистларнинг фикрича, Зеленскийнинг режаларига март ойи бошида у ва АҚШ президенти Доналд Трамп ўртасида Оқ уйда бўлиб ўтган можаролари учрашув таъсир қилган. Нашрга манбаларнинг айтишича, “ўтган ҳафтада” Владимир Зеленский йиғилиш ўтказиб, ўз жамоасига ўт очиш тўлиқ тўхтатилгандан сўнг овоз беришни ташкил қилишни буюрган.

Нашрнинг қайд этишича, бўлажақ сайловларнинг биринчи белгиси Украина Олий Радасида мамлакатда ҳарбий ҳолатни узайтириш бўйича овоз бериш бўлиши мумкин. У жорий йилнинг 5 майдан кечиктирмай ўтказилиши режалаштирилган.



“SpaceX” САЙЁҲЛАР БЎЛГАН КОСМИК КЕМАНИ ИЛК ОРБИТАЛ ПАРВОЗГА УЧИРДИ

Миллиардер Илон Маскка тегишли “SpaceX” компанияси илк бор космик сайёҳлар бўлган “Crew Dragon” кемасини орбитага учирган.



“Fram2” миссияси экипажи Ер қутблари устидан 425–450 км баландликда парвоз қилади. Парвознинг бош ҳомийси хитойлик тадбиркор ва тадқиқотчи Чун Ван ҳисобланади. У парвоз учун қанча сарфлагани номаълум, чунки битим қиймати ошкор этилмаган.

Экипаж таркибига норвегиялик режиссёр Яннике Миккелсен, австралиялик тадқиқотчи Эрик Филипп ва германиялик биринчи аёл космонавт Рабeya Pогге ҳам кирган. Улар биринчи марта космосга чиққан.

“Фрам2” миссияси уч кундан беш кунгача давом этади. Экипаж аъзолари қутб ёдусига ўхшаш “Стив” атмосфера ҳодисасини ўрганади, космосда рентген суратларини олади ва парвознинг соғлиққа таъсирини баҳолайди. Экипаж “Starlink” роутери орқали интернетга улланади.

Интернет маълумотлари асосида
Ислом ЭҒАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

1-6. Ҳозирги кунда Туркиянинг Анқара университети профессори Сулайман Қодал институтимизда сув ҳўжалиги бўйича дарс ўтиб келмоқда. Ишлаб чиқариш корхоналари қошида мутахассис тайёрловчи кафедраларнинг 14 та филиали ташкил этилган. Уларда илмий тадқиқот институтлари, ташкилот ва корхоналарнинг юқори малакага эга мутахассислари амалий дарс машғулотлари олиб бормоқда.

Институт хорижий олий таълим муассасалари билан "Илмга асосланган, амалиётга йўналтирилган" ("science-based", "practice-oriented") таълим" тамойиллари асосида кишлққўжалиги таълим соҳасининг халқаро ҳамжамиятдаги ўрнини ошириш бўйича ҳамкорлик алоқаларини муваффақиятли амалга оширмоқда. Жорий йилда институтнинг 105 нафар талабаси Германия, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикасининг етакчи таълим муассасаларида малака ошириш ва амалиёт дастурларини ўтади. Улар кишлққўжалиги соҳасида ўз бизнесини ташкил қилиб, қўшимча даромад ортириши учун имконият яратилди. Жорий ўқув йилида эса 150 нафар талабани 3 ойдан 6 ойгача амалиётга юбориш режалаштирилган. Институт талабаларини хорижий давлатларга академик мобиллик дастури асосида юбориш кучайтирилмоқда.

Ривожланган хорижий олий таълим муассасаларининг вакилларини ўқув жараёнига жалб этиш бўйича "QS World ranking" рейтингида 113-ўринда турувчи Япониянинг Тохоку университети билан талаба алмашши бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Натижада институтимизда биринчи марта икки нафар талабамиз "MEXT" гранти асосида магистратурага ўқишга кириб, таълим олмақда.

Япониянинг Чйба университети талабаси Нагаи Марин 6 ой муддатга ўқишини давом эттириш учун Нукусга келди. Тохоку университети талабаси Юхара Юме эса март ойидан институтимизда ўқишни давом эттирмоқда.

Бугунги кунда институтимиз битирувчиларидан 11 нафари Япония, Италия, Россия, Қозоғистондаги университетларга грант асосида магистратурага кирди.

Япониянинг Чйба, Тохоку ва Электрокоммуникациялар университети, Қозоғистон миллий аграр илмий-тадқиқот университети, М.Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университети, Вьетнам Миллий кишлққўжалиги университети, Порту университети, Қозон давлат аграр университети, Хитойнинг Шинжон экология ва география институты, Тиан Жин кишлққўжалиги университети, Американинг Родес коллежи билан талабалар алмашинуви, академик коллаборация йўналишларида ҳамкорлик йўлга қўйилган. Қозоғистон Республикасининг Тараз халқаро инновация институты билан тузилган шартномага асосан институтимизнинг 2 нафар талабаси академик мобиллик дастури бўйича мазкур институтда таҳсил олиб қайтди.

Таълим маканимизда ўқиш халқаро тажрибаларга мослаштирилган ҳолда олиб боришмоқда. Қорақалпоғистонда олий таълим муассасалари ичида биринчилардан бўлиб олий таълим жараёнининг янги стандартлари ва малака талаблари асосида кредит-модуль тизимига ўтилди. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг миллий рейтингида Қорақал-

ИЛМГА АСОСЛАНГАН, АМАЛИЁТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ

ёки мақсадимиз малакали мутахассислар тайёрлашдан иборат



поғистон кишлққўжалиги ва агротехнологиялар институты 2023 йилда 68-ўринни эгаллади, жорий ўқув йилида ушбу кўрсаткичнинг юқори поғоналарга кўтарилишига эришиш мақсадида институтимизда бир қанча амалий ишлар амалга оширилмоқда. 2024 йилда жаҳоннинг кучли 1000 талигига кирган олий таълим муассасаларида 28 нафар профессор-ўқитувчи малака ошириб келди. Ҳозирда хорижий давлатлар олий таълим муассасаларида тажриба оширишга ва стажировкага юбориладиган 30 нафар профессор-ўқитувчиларнинг рўйхати шакллантирилиб, тасдиқланган.

Энг муҳими, бизда таҳсил олган талабалар ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштирилмоқда.

Ўтган ўқув йилида институтни жами 686 нафар талаба битириб, шуларнинг 86 фоизи ишга жойлашиши таъминланди.

Институт профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлари ўртасида чет тилларини ўрганишга бўлган қизиқишини янада кучайтириш мақсадида Япониянинг "JICA" ташкилоти билан ҳамкорликда ўтган йили волонтерлар ёрдамида япон тилини ўргатиш курслари ташкил этилди.

Институт битирувчиларининг бандлигини таъминлаш мақсадида Япониянинг "JETRO" ташки савдо ташкилоти билан эришилган келишувга мувофиқ япон тилига ўргатиш ва улардан сараланганини Япония давлатига мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш шартномаси тузилди.

Талабаларни илмий-тадқиқот ишига жалб этишда таълимий-тарбиявий хусусиятларига эътибор берилиб, талабанинг мақсадга эришишида ўз кучи ва қудратига ишонишини қўллаб-қувватлаш, истеъдодли ва иқтидорли талабаларнинг ижодий ва илмий салоҳиятини шакллантириш, уларнинг илмга, етакчилиikka бўлган иштиёқини оширишга алоҳида эътибор берилган. 2024 йилда 6 нафар талабани Президент ва номдор давлат стипендиялари совриндори бўлди.

Таълим муассасамизда "Қишлоқ ҳўжалиги ахборотномаси" илмий электрон журнали фаолиятини бошлаган. Институт илк марта "Times Higher Education" рейтинг агентлигининг "World University Ranking 2025"да репортёр статусини олишга муваффақ бўлди.

Институтда лаборатория базасининг доимий янгиланиб ва тўлдириб борилиши, зарурий хомашёлар билан таъминланиши, соҳага кириб келаётган янги техника ва технологияларнинг намуналарини таълим муассасаларига мунтазам етказиб берилиши муҳимдир. Германия ҳукуматининг халқаро ҳамкорлик ташкилоти (ГИЗ), томонидан 840,8 минг евро грант маблағлари ҳисобидан "Аквакултура синон-тажриба" ва "Балиқчилик" ўқув-лабораторияси ташкил этилиб, балиқчилик йўналиши талабаларининг амалий билимларини мустаҳкамлаш, лаборатория машғулотларини, ишлаб чиқариш, ўқув-танишув амалиётларини, магистр ва докторантларнинг илмий ишла-



рини тўлиқ ўтказиш имконияти яратилди.

Халқаро ҳамкорлик ташкилоти ҳомийлигида Геоахборот тизимлари маркази ва лабораторияси очилиб, қиймати 65 минг еврога тенг лаборатория ва марказга зарур асбоб-ускуналар олиб келиб ўрнатилди.

Барча ўқув-лаборатория хоналари, талабалар турар-жойлари ва ёрдамчи ҳўжалик бинолари ва институт атрофи қўркам ва манзарали ҳолатга келтирилган. Уч гектар майдонда янгидан бог ташкил этилди. 0,6 гектар майдонда томчилатиб сўғориш йўлга қўйилган. Институтнинг тажриба ер майдонида 20 гектар ерга сув тежовчи технологиялар олиб келиниб фойдаланишга топширилди.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида 2024 йил куз мавсумида лойиҳа доирасида жами саккиз минг туп меваги ва манзарали қўчатлар экилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан шартнома асосида 2023-2025 йилга мўлжалланган "Қорақалпоғистон маҳаллий қовун навлари генфондини ташкил этиш ва экспортбоп навларининг элита уруғларини тезкор-қўчат усулида етиштириш" мавзусидаги мақсадли инновацион ва 2023-2026 йилга мўлжалланган "Ўзанинг Оролбўйи тупроқ иқлим шароитига мос, тола сифати жаҳон андозалари талабларига жавоб берувчи ҳамда юқори тола чиқимига эга маҳаллий навларини яратиш ва давлат нав синовига бериш" мавзуси-

даги мақсадли амалий лойиҳа ҳамда 2024-2025 йилга мўлжалланган "Оролбўйи ҳудудида аҳоли хонадонларидаги чорва молларини озуқа билан таъминлашда кооперация тизимини йўлга қўйиш" мавзусидаги жами 5 млрд сўмлик, шунингдек, институтда ёш тадқиқотчилар ва талабалар томонидан 60 млн сўмлик "ЧорДех" стартап лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Институтимиз олимлари томонидан Халқаро Орол инновацион марказидаги ин-витро лабораториясида илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йили "Орол бўйи шароити учун экспортбоп сув танқислиги ва тупроқ шўрланишига чидамли интенсив навлар, технологиялар ва янги ресурстежамкор гоғлар жорий этиш" мавзусидаги халқаро илмий-техник анжуман, "Қишлоқ ва сув ҳўжалиги ҳамда техника соҳасидаги янги технологиялар ва лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш" мавзусидаги республика илмий-техник анжуманлари ташкил қилинди.

Профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик фаолиятини одилона баҳолаб бориш ва мониторинг қилиш мақсадида КПИ тизими жорий қилинди. (https://kpi.tdaunukus.uz/)

Институтимизда профессор-ўқитувчиларнинг илмий фаолиятини янада такомиллаштириш, ёшларни билимга, илмга бўлган қизиқишларини янада ошириш мақсадида ҳар йили илмий-амалий конференциялар ташкиллаштириш аънаанага айланган. Қорақалпоғистон кишлққўжалиги ва агротехнологиялар институтидан "Collaboration Encourage And Knowledge Exchange For Green Innovation" мавзусида биринчи халқаро телеконференция ташкил қилинди.

Институтимизда Ёшларга оид давлат сиёсатини изчиш амалга ошириш, ёш авлоднинг маънавий дунёсини бойитиш, ҳар томонлама етук ва баркамол, интеллектуал салоҳиятли, ватанпарвар, комил шахслар сифатида тарбиялаш мақсадида турли хил тарғибот-ташвиқот ишлари тизимли равишда олиб боришмоқда. Жумладан, иқтидорли талабалардан иборат "Талабалар театр студияси", "Қувноқлар ва зукқолар" жамоалари, "Умид учкунлари" номли бадий гуруҳ тузилган бўлиб, ушбу жамоаларга иқтидорли талаба-ёшлар жалб қилинган. 2023 йилда институтимиз тарихида биринчи марта институт ёшларидан тузилган "Қувноқлар ва зукқолар" жамоаси Ўзбекистон Республикаси миқёсида ўтказилган мусобақада фахрли 1-ўринни қўлга киритди.

Аграр соҳасини ривожлантириш, жаҳон тенденцияларини ва тажрибасини акс эттиришга мослашган "илмга асосланган, амалиётга йўналтирилган таълим" тамойили асосида ва миллий аънааналар йўғунлигида юқори малакали, замонавий билим ва кўникмаларга эга, мустақил фикрлайдиган, ватанпарвар, профессионал кадрларни тайёрлаш асосий мақсадимиздир.

Бердир ЖОЛИБЕКОВ,
Қорақалпоғистон кишлққўжалиги ва агротехнологиялар институты ректори,
кишлққўжалиги фанлари доктори.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

ҲАЛОЛЛИК — УМР БЕЗАГИ

Ҳалол бўлиш, ҳалол яшаш ҳа-миша ноёб ва ибратли ҳодиса бўлган. "Ҳалол" деб ёзаппан-у, лекин бу муқаддас сўзининг замирида қанчалар машаққат, азоб-уқубат борлигини яхши англаймиш.

Ҳалол инсон бўлиш — жасорат. Ҳалолликда тимсолга айланиш эса қахрамонлик.

Ҳеч қачон ҳалоллик чала ёки кемтик бўлмайди. Айтайлик, ўзини ҳалол, деб кўрсатиб, зимдан пасткаш ишларни қилиб юрганларни ҳалоллар сафига қўшиб бўлмайди. Бундайлар кундузи масжидга бориб, тунда ўғриллик қиладиган тоифани эсга солади. Машҳур француз адиби Жорж Санд ёзганидек: "Ҳалолликнинг сотилгани — ўлгани".

Ҳалоллик ҳақиқий ибрат билан намоен бўлади. Ҳалолликнинг ана шундай ёруғ ва фахрли йўлини танлаган, ўзини ва ўзлигини намоен қилиб келаётган шахслардан бири — таниқли олим, фанлари ва етук зиёли, фалсафа самалари доктори, профессор Саъдулла Отамуродовдир.

Саъдулла ака буюк олимлар ва ижодкорларга муқаддас макон бўлган Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида дунёга келган. У киши ўрта мактабни тугатиб, ТошДУ — ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультетида таҳсил олиб, шу факультетда ўқитувчилик фаолиятини бошлаган.

Бўлажак олим 1978 йилда "Миллий маънавиятларнинг байналмилалашуви" мавзусида номзодлик, 1992 йилда "Жамиятни янгилаш жараёнида миллий маънавият ва миллий ўзлигини англаш" мавзусида докторлик илмий ишларини ҳимоя қилди.

Профессор Саъдулла Отамуродов 1991 йилдан буюн Тошкент кимё-технология институтининг "Политология ва иқтисодиёт назарияси" кафедрасида самарали ва қизгин фаолият кўрсатиб келаётди. Бу серқирра педагогик фаолиятига ҳам ярим аср бўлди.



Шу кунларда ўзининг муборак 80 ёшини нишонлаётган Саъдулла Отамуродов аллақачон атоқли олимлар сафидан ўрин олган. Устоз олим шу кунга қадар 6 нафар фан доктори, 14 нафар фан номзодига илмий раҳбар бўлди. Уларнинг сафлари кўпайиб бораётди. Ҳадемай навбатда турган янги шогирдлар илмий ишларини ҳимоя қилишни бошлайди. Саъдулла ака ҳар сафар ҳимоядан сўнг гўё ўз фарзанди илмий даражага эга бўлган отадай бе-ниҳоя қувонади. Ҳеч иккиланмай у кишини ниҳоятда талабчан, самимий ва меҳрибон шогирдсевар, ашаддий шогирдпарвар устоз, десак, муболага бўлмайди.

Олимнинг ўнлаб китоблари, қўлланма ва дарсликлари чоп этилган. Масалан, "Миллий ривожланиш фалсафаси (сиёсий-фалсафий қирралари)" (2005), "Глобаллашув ва миллат" (2008), "Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик" (2015), "Глобаллашув: миллилати асраш масъулияти" (2023) сингари китоблари, миллий маънавият, ўзлик, давлат мафкураси, миллий онг, миллий давлатчилик, шахс маънавияти мезонлари, политология асослари, миллий

маънавий тикланиш мавзуларида қўллаб-қувватлаш, рисоалари ва юзлаб мақолалари эълон қилинган. Жумладан, у "Қачон миллат бўламиз?" номли мақоласида куюниб шундай ёзган: "Назариямизда, миллий ўзлигини англаш аҳволи ўтган асрнинг 90-йиллар охиригача бўлган даражадан дуруст эмас. Ҳолбуки, у даврда жамиятда моддий етишмовчиликлар кўп эди. Шунга қарамай, халқ озодликка эришиш ва уни мустаҳкамлашни асосий мақсад, бош аъмол деб билган эди. Миллат руҳи ва онгини юксалтириш ҳақида қайғурмасак бўлмайди. Негаки, миллий ўзлигини англаш орқалигина чинакам миллат бўлиб шаклланамиз". Бу фикрини қатъийлаштириб, шундай хулосага келади: "Ягона шарт — одамнинг миллий ўзлигини англашдир".

Устоз олим Саъдулла Отамуродовнинг ўзи буюк аллома Маҳмуд Замахшарийнинг машҳур китоби — "Олтин шодалар"ида битилган қуйидаги ҳикматга ҳамиша амал қилиб яшайди: "Ҳар бир қадамимизда дунё ва дунёдорлар сенда ҳавас уйғотади. Ёмон ниятли одамлар гоҳо сенга ўзларини яхши кўрсатадилар. Ўзини уларга таслим этмаки, охири яхшилик келтирмас. Бу мол-дунёлар ўткинчи эканлигини унутма. Замон ҳодисалари остида эзилма. Аксинча, сен номашруъ, нопок ишларни эзиб, янчиб ташла. Бу йўлда мужодала, курашдан қарчама, тўғри, ҳалол яшашда сабрматонат кўрсат".

Бизга ҳалоллик — умр безаги эканлигини намоен этиб келаётган муҳтарам олимимизга ҳаммаша ҳалол бўлишда, мудом ҳалол яшашда сабрматонат кўрсатиб келишларида Аллоҳ ҳар доим мададор бўлсин.

Ашурали ЖўРАЕВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
журналист.

МИННАТДОРЛИК

Шарқона янги йил, яшариш ва янгиланиш айёми Наврўзнинг муқаддас Рамазон ойига тўғри келиши қувончли, янада фараҳбахш воқелиқдир. Янги Ўзбекистонимизда Наврўз қадрияти ҳам Рамазон қадрияти каби боқий эканлигига, одамзод борлиқнинг гултожи сифатида улугланганига, инсон қадри ҳам ўзгача эъзозланганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2025 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида" ги қарори ҳаётимизда энг унутилмас воқелиқ бўлди. Қарор концепцияси билан танишган, ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев нақадар инсонпарвар ва халқчил сиёсат олиб бораётганига тақрор-тақрор амин бўлдим.

ҲАЁТИМИЗДАГИ УНУТИЛМАС ВОҚЕА


Негаки, Наврўз айёми билан бир қаторда мазкур қарорга асосан 1 март — Ҳулфияҳоним, Озод Шарофиддинов, 15 март — Ҳожи Муин, 19 март — Маҳмуд Замахшарий, 21 март — Алихонтўра Соғуний, Абдулла Орипов, 22 март — Мирзо Улуғбек, 24 март — Шукур Холмирзаев, Абдуҳалиқ Гиждавий каби машҳур сиймоларнинг таваллуд айёмлари ҳам байрам шодиёналари билан ҳамоҳанг ҳолда ўтказилгани нафақат тарбиявий нуқтаи назардан қатта таъсир кучига эга бўлди, балки улуг маърифатпарварларга қатта эътибор, эҳтиром намунаси бўлди, десак, хато бўлмайди.

Президентимиз имзо чеккан қарор шарофати билан халқимизга Исрол тарихи ва Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаётлари ва фаолиятлари тўғрисидаги "Тарихи Муҳаммадий" асарини мерос қилиб қолдириб кетган отамиз раҳматли Алихонтўра Соғуний номи ҳам янада улугланди. Отам ҳақида теле ва радиозинтиришлар берилди. Матбуотда мақолалар босилди. Ижтимоий тармоқларда ҳам чиқишлар бўлди.

Айниқса, "Hurriyat" газетасидаги "Ибрат кўзи, ақл кўзуси" сарлавҳали мақола ("Hurriyat", 2025 йил, 19 март, №11-сон)да публицист Дилмурод Қирғизбоев "Тарихи Муҳаммадий" асаридан олган сабоқларини чин юракдан ёзибди. Беҳиҳоя таъсирландим. Газета тахририяти ва муаллифга улкан раҳмат, Аллоҳ ғайратларини кам қилмасин!

Наврўз қадриятларини маърифий мақсадларга йўналтириш, ҳеч кимни меҳр ва эътибордан четда қолдирмаслик савобли гоғси муҳтарам Президентимизнинг инсонпарварлигидан далолатдир. Бу ёқимли ҳолат юракларини тўлқинлантирди. Қўзларимизни қувонч ёшларига тўлдириди.

Шу кунларда Истанбул шаҳридан Тошкентга яна бир



хушхабар олиб келдим. Маълумки, "Тарихи Муҳаммадий" китоби Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассалам ҳақида ўзбек забонида ўтган асрда ёзилган ягона асардир. Таҳликали ва оғир шароитларга қарамай ёзилган ушбу битик ўзбек халқи томонидан неча йилларки, севиб ўқилиб келинмоқда. У қирғиз, тожик, уйғур ва турк тилларига ҳам ўғирилган. Ва ниҳоят, кўп йиллар давомида қилинган ҳаракатлар натижасида китоб рус тилига ҳам таржима этилиб, кучи кеча Туркиянинг Истанбул шаҳрида босмадан чиқди. Бу вазифа кўп йиллар мобайнида ўзбек адабиёти намуналарини турк ўқувчисига етказиш ишида муваффақиятли фаолият юритиб келаётган "Илери Йинилери" нашриёти томонидан амалга оширилди. Асарнинг улкан илмий билим ҳамда бой ижтимоий-сиёсий тажриба асосида ёзилганлиги ноширлар томонидан таъкидланиб, асосан, ушбу китоб ҳар йили Туркияга келувчи миллионлаб русийзабон сайёҳлар оммасига тақдим этилажигар режалаштирилмоқда.

Отамиз умр бўйи миллий мустақиллигимиз, Ҳайит ва Наврўз каби байрамларимиз тантанани қилинишини орзу қилиб ўтгандилар. Бугун ҳаётимиздаги энг унутилмас кунда Соғуний сулоласи вакиллари падаари бузрукворимиз Алихонтўра Соғуний руҳларини шод этганлиги учун муҳтарам Президентимизга ташақкур айтмамиз, элим, юртим деб амалга ошираётган беқиёс, савобли ишларига Яратганнинг Ўзи беҳисоб файзу барокотлар ато этсин, дея хайрли дуолар қиламиз.

Соғунийлар сулоласи номидан:
Алихонтўра СОҒУНИЙ Ўғли —
Қўтлугхонтўра ШОКИРОВ.

ШЕЪРИЯТ

Сиз ҳам қалбингизда жади́длик туйинг

БАТАН УЧУН БИРЛАШАЙЛИК

Мозийлардан аёнди́рким, тўзган элнинг ҳоли воидир, Аҳиллигу бирдамликдан безган элнинг ҳоли воидир, “Айрилгани айиқ ейди, бўлингани бўри”, дерлар, Эртасидан умидини узган элнинг ҳоли воидир, Шундай экан, аё дўстлар, Ватан учун бирлашайлик, Боболардан мерос, қадим чаман учун бирлашайлик!

Айтинг, буюк Хоразмшоҳ давлатини кимлар еди? Ким: “Ҳар қалъа, ҳар бир кўрғон ўзича жанг қилсин!” деди? Бу ўз фойдасин кўзлаган нокасларнинг иши эрди, Йўқса, ҳокон Жалолиддин, Куброларни тинглар эрди. Аждодлардан қолган аччиқ сабоқларни англашайлик, Юрт тупроғи деган — дурри Адан учун бирлашайлик!

Буюк Турон бирлашганда, ёвлар писиб юрар эди, Темур бобом зарбасидан қонлар қусиб юрар эди, Тухтамиш-у Боязидлар қилмишидан афсус чекиб, Олисларда Чин-Мочинлар кўзин қисиб юрар эди. Шикоятда Соҳибқирон лашкарига тенглашайлик, Мулки Турон деб аталган чаман учун бирлашайлик!

Миллатим деб курашганлар “босмачи” деб аталганда, Ўз жонини асраб кимлар ғанимларга сотилганда, Миқ этмасдан бир чеккада мўлтираб жим кузатган ким, Элнинг ёруг Чўлпон, Фитрат, Усмонлари отилганда?! Ул кафансиз кетганларнинг оҳ-фарёдин тинглашайлик, Ҳар зарраси жондек азиз Ватан учун бирлашайлик!

Бирлашинг деб жон куйди́рар, бу кун бедор Юртбоши ҳам, Бирлашганининг олам аро мудом баланддир боши ҳам. Англаб Ҳақнинг даъватини, асраб азиз халқ бахтини, Бир тану жон бўлмоғи шарт юртинг кекса-ю ёши ҳам. Ватан меҳри бўлсин малҳам жон-тан учун, бирлашайлик. Юракларда ёнган оташ, гулхан учун бирлашайлик!

Устозмисиз ё шифокор, олиммисиз ёки деҳқон, Ким бўлсангиз ҳам юракда юртим дебон жўш урсин қон, Шунда бир боққа айланиб, чаман-гулбоққа айланиб, Гуллаб-яшнар бизлар суйган янги, азиз Ўзбекистон. Ҳар қадамда кучилган шон ва шаън учун бирлашайлик, Нондек азиз, жондек азиз Ватан учун бирлашайлик!

Дунё ҳамон қалқиб турар, ёвузлик ҳеч тинган эмас, Ҳамма жойда ҳам Бахт кулиб, Тинчлик гули унган эмас. Шу онларда лоқайд яшаш гумроҳлиқдир, лек, минг шукр, Халқим деган ботирларнинг қалбида ўт сўнган эмас. Тўлқинланиб бу кун мисли Аму Сирдек сирлашайлик, Мулки Турон деб аталган чаман учун бирлашайлик! Боболардан мерос, буюк Ватан учун бирлашайлик!

ЖАДИД БОБОЛАРИМИЗ (қўшиқ)

Зафарларга чорлагай бизни ҳамон, Ул жонфидо — жадид боболаримиз. “Илму маърифатга интилинг!” — дебон, Айлар нидо жадид боболаримиз.

Мен ҳам буюк боболарнинг зурёди, Бўғзимдадир Беҳбудийлар фарёди. Нажот мудом илму маърифатда деб, Чорлар ҳануз Авлонийлар авлоди.

Танийсизми сиз Мунавварқорини?! Мактаб — китоб деб тиккандир борини. Ёвлар уни ёвузларча отдилар, Тингламасдан дилдаги оҳ-зорини.

Халқ қилай деб онгсиз, шўрлик авомни, Бедор ўтказмишлар не-не оқшомни. Қаро тунда қатл этмишдир ғанимлар, Буюк Чўлпон ила Фитрат бобомни.

“Ҳақ олинур, берилмас!” деб ўтганлар, Золим замон ёқасидан тутганлар. Бўзсув бўйларида нур бўлиб кезар, Истиқлол деб, жонин фидо этганлар.

Сиз ҳам қалбингизда жадидлик туйинг, Ватанни севсангиз, улардек суйинг!

МУТОЛАА

Насрни бадий адабиётнинг оғир қарвон тури дейдилар. Астойдил ўйлаб қарасак, бу гапда мантиқ борлиги ойдинлашади. Чунки шеър оний лаҳзалар мевасидир. Шоир ҳаёт ва табиатдан олган таассуротларни мавжида тўлиқиб, илкис руҳиятидаги “ашёлар”ни қозғога тўқади. Насрнависнинг меҳнати сал бошқачароқ: у, аввало, теъарағида содир бўлган, содир бўлаётган ҳодисаларни обдан кузатади; кейин эса тиклаштиради; ана ундан кейин эса матн тузади; матнни таҳрир қилади. Бинобарин, ўқувчи насрий асарни худди ҳаётда рўй берган воқеалар мажмуаси каби муталаа қилишга киришади.

Аслини олганда, қаламкашлик йўлини танлаган инсонларнинг кўпчилиги болалик чоғларида бобоси ёки бувсидан эртақ эшитиб улғайганлар. Эртақларда турли-туман ҳайвонлар, қушлар, балиқлар гапиртирилган. Шу баробарида ҳаёлан наср дунёсига кириб қолганимизни билмаганмиз ҳам. Дарвоқе, каминанинг илк бора ўқиган китоби “Қалила ва Димна” эди. Ўша китобни кўрсам, ҳозир ҳам беихтиёр ҳаяжонланаман. Ана энди асл мақсадга ўтсак. Айни даврда китобига сўзбоши битишга чоғланаётганим — Улугбек Жумаев билан бундан ўн икки йилча муқаддам “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали таҳририятида танишганман. Анигини айтсам, саккиз ой мобайнида бирга ишладик. Унинг мақола ва лавҳалари маъруз журнал қолипларига мос тушмас, маълум маънода эссега ўқшар эди. Кейинчалик билдимки, Улугбек тузуққина насрнавис экан. Тасодифий қарангки, “Фермер” журнали таҳририятига ишга кирганидан сўнг унинг насрнавислик ҳунари янада очила бошлади. Ҳеч

Эрк деб ўтган боболарим ҳаққига, Ҳеч бўлмаса, бир дуо айлаб қўйинг!

АБДУРАУФ ФИТРАТ НИДОСИ

Айтсам, дилда арзим кўпдир, кечир, она Бухоро, Сендан жуда қарзим кўпдир, кечир, она Бухоро!

Ёвлар сени таладилар, ёндирдилар, отдилар, Шундан дилда дардим кўпдир, кечир, она Бухоро!

Темурларинг кучган шонлар ёғийгаму кетдилар, Дардинг кўп, лек ҳамдард йўқдир, кечир, она Бухоро!

Ёвлар ҳатто минорларинг тўпдан ўққа тутмишлар, Бу кун ризқинг қон ва ўқдир кечир, она Бухоро,

Мачитлардан азон эмас, янграр халқ оҳ-нидоси, Ҳар қадамда талотўлдир, кечир, она Бухоро!

Онам каби йиғлаб тунлар тушларимга кирарсан, Ҳаёт сен-чун нақ тамуғ”дир, кечир, она Бухоро!

Худди сендек қонлар ютар Самарқанду Тошкент ҳам, Ҳайт, дегувчи бир мард йўқдир, кечир, она Бухоро!

Нажот сўраб, маънос бўзлаб бордим Гўри Амирга, Ғам ўтидин қалбим чўғдир, кечир, она Бухоро!

Энди минг бор маломатлар ёғилса-да бошимга, Ҳақ йўлидан қайтиш йўқдир, кечир, она Бухоро!

Юртим, сени ҳур кўрай деб, жонин тиккан Фитратман, Сен деб ўлсам, армон йўқдир, кечир, она Бухоро!

ҚОДИРИЙНИНГ ХОВЛИСИДА

Ховлисининг саҳнида ҳамон Хаёл суриб турар Қодирий. Бизга ҳануз “Ўткан кунлар”дан Сабоқ бериб турар Қодирий.

“Дард чекмоққа қодирликни сиз Қодирийдан ўрганинг!” дебон. Марғилонда йиғлайди бир қиз Отабегин кутганча гирён.

Қодирийни билмаган авлод, Истиқлолнинг қадрини билмас. Ишқда бағрин тилмаган ҳар зот, Отабегининг дардини билмас.

Ким ўқимас “Ўткан кунлар”ни Меҳроб надир, чаён не, билмас. Ким билмаса Мирзо Анварни, Инсоф надур, иймон не, билмас.

Ўз динин пок тутмаса одам, Меҳробидан кетмас чаёнлар. Даласида минг ер чопса ҳам, Бойимайди “Обид кетмон”лар.

Ҳар бир юрак ёниб, гулдираб, Ҳақиқат-чун қилмас экан жанг. Ҳар кўчадан мўйловин бураб, Чикиб келар “Тошпўлат тажани”!

Кўнгилда орзу-ҳаваслар Оқиб кетган каби нақ сувга. Ўз тарихин билмаган каслар Айланадир Калвак Махсумга.

Қалбга нурдек инар шу асно, Мозийлардан таралган саслар. Орамизда бўлмасин асло, Қодирийни билмаган каслар!

Ховлисининг саҳнида ҳануз Хаёл суриб турар Қодирий...

Зикрилла НЕЪМАТ ВАФОИЙ

БОЛАЛИГИМ

Қайда қолдинг, о, бегубор болалагим?! Қалбимдаги лайли наҳор — болалигим. Сени ўйлаб ўйга толиб қолдим бу кун, Ортага қайтмас сирли баҳор — болалигим!

Қишлоқ ичра қум-тупроқлар кечар эдик, Ариқ сувин ҳовуч-ҳовуч ичар эдик, Оқшом чоғи боқиб ою юлдузларга, Оруларнинг осмонида учар эдик.

Саҳар туриб онам кулча, нон ёпарди, “Ўйғон, болам!” деб пешонамдан ўпарди. Она қадрин билмай ҳар ён чопардик биз, Шу тахлитда ой ўтарди, йил ўтарди.

Шу тахлитда ўтиб борар умримиз ҳам, Тарқ айланиш бизни булбул, кумримиз ҳам. Йилдан-йилга сочимизга қўниб қирос, Сўниб борар кўзлардаги нуримиз ҳам.

Биз учирган ул варрақлар қайда энди, Юракдаги гулдираклар қайда энди? Сўзимиз — ўқ, чорловимиз қамқоқ эди, Нола чеккан ул юраклар найда энди.

Қайда қолдинг, о, бегубор болалагим?! Қалбимдаги лайли наҳор — болалигим. Сени ўйлаб, ўйлар суриб қолдим бу кун, Ортага қайтмас фасли баҳор — болалигим! Юракдаги мангу алёр — болалигим!

ҚЎРҚИНГИЗ (Яссавиёна)

Эй сиз, халқнинг ҳаққини туя қилиб еганлар, “Халқим, халқим!” деб туриб, асли халқум деганлар, Нафсиламрин айтсам, нафсига қўл бўлганлар, Азиз халқнинг нафрату сазосидан қўрқингиз, Қодир Ҳақнинг муқаррар жазосидан қўрқингиз.

Токай кўпнинг ҳақидан ҳазар қилмай яшарсиз, Ўзингиздан ўзгани назар илмай яшарсиз, Ҳатто етим ҳақини очуқларча ошарсиз, Ахир халқнинг нафрату сазосидан қўрқингиз, Қодир Ҳақнинг муқаррар жазосидан қўрқингиз.

Гўёким Сусамбилга йўл олган зўр уюрсиз, Шўрлик ўзга отларга қовоғингиз уюрсиз, Бу кетишда жаҳаннам оловида куюрсиз, Азиз халқнинг нафрату сазосидан қўрқингиз, Қодир Ҳақнинг муқаррар жазосидан қўрқингиз.

Ҳар кун янги бир найранг ўйлаб, бошни қашийсиз, Халқ мулкин қумолидек тоқай ўйга ташийсиз?! “Ҳой, бас қилгин!” деганини толиб, бошин ғажийсиз, Ахир халқнинг нафрату сазосидан қўрқингиз, Қодир Ҳақнинг муқаррар жазосидан қўрқингиз.

Ҳар банданинг ризқини ҳалол берсин, соф берсин, Ҳар кимса ўз виждонин олдида ҳисоб берсин, Ўтинчим шул, Аллоҳим сизларга инсоф берсин, Азиз халқнинг нафрату сазосидан қўрқингиз, Қодир Ҳақнинг муқаррар жазосидан қўрқингиз.

ЯНГИ ОЙ

Янги ой чиқмиш бу тун, олтин ўроғи титрагай, Шўъласин айлаб фусун, ишқим чироғи титрагай.

Йўқ, ҳилолмас қўқанда, ёримнинг тилло сирғаси, Ёрнинг ўзи қайда деб, кўзим қароғи титрагай.

Янги ой чиққан кеча дерлар тилак қилмоқ керак, Истагим — ёр васли деб кўнглим сўроғи титрагай.

Соғиниб ул сарвинозни, йўлларига термулиб, Жисму жоним куйдириб, нозу фироғи титрагай.



Муаллиф ҳақида:

Зикрилла Неъмат Вафойй — 1961 йили Бухоро вилоятида туғилган. 1989 йилда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) нинг журналистика факультетини, 2001 йилда эса Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясини тугатган. Ўзоқ йиллар Ўзбекистон Республикаси ИИБ тизимларида меҳнат қилган. Шоирнинг “Иккимизнинг ёниқ ишқимиз”, “Юртим навоси”, “Ватан ва муҳаббат”, “Қайтар дунё”, “Остонадан бошланар Ватан”, “Муҳаббатсиз яшаб бўлмас”, “Спитаменнинг сўнмас қўшиғи”, “Муҳаббат меҳроби”, “Соғинч сарчашмаси”, “Эзгулик ўлкаси”, “Онам эккан райхонлар” (Сайланма), “Ватан ҳақида қўшиқлар”, “Муҳаммас гулшани”, “Қалбим қалъаси”, “Қалдирғочлар қайтган кун”, “Мангу қўшиғимсан, Ватан”, “Вафо байтин битайлик”, “Дилда ишқнинг марваридгули”, “Навоийдан наво ис-таб”, “Бухорони соғинмай бўлмас” сингари йигирмадан зиёд китоблари нашр этилган. Шунингдек, болаларга аталган “Беш баҳо олган куним”, “Марди майдонлар юрти”, “Жирафа нечун хафа?!” “Айқнинг набираси”, “Аълочилар алифбоси” китоблари чоп этилган. Шоир таржимон сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатиб, машҳур рус шоирлари — Сергей Есенин, Михаил Лермонтов, белорус шоирлари — Якуб Колас, Игорь Бордулин, молдаван шоири — Павел Боцу, авар шоири Расул Ҳамзатов, грузин шоирлари — Григор Абашидзе, Георгий Леонидзе, қозоқ шоирлари — Абай, Ўлжас Сулаймон, туркман шоири Ота Отажонов шеърларидан ўзбек тилига ўтирган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Оҳларим оташидин мулки Ажамга ўт кетиб, Дахри дуннинг Рум ила Шому Ироғи титрагай.

Бошим узра ялтираб мисли Дамашқ шамширидек, Қасди жон айлаб бу дам ҳижрон яроғи титрагай.

Қийма-қийма бўлди қалбим бевафо ёр ҳажридан, Кўда оймак, бу кеча қалбим қуроғи титрагай.

Тонггача кўз юммадим, Зикрилло, ёр васлин кутиб, Ой-ку ботди, аммо дилда ёр фироғи титрагай.

ЖАФО БЎЛГАЙ

Азапдин оҳу жайронлар кўзу қоши қаро бўлгай, Бу кўзларнинг қаролиғи бир кун бошга бало бўлгай.

Мудом шайдир этарга сайд, ҳусн аҳлин неча сайёд, Алар пайқонидин, оҳким, неча диллар яро бўлгай.

Қаро кўзлар фироғинда ёнар ишқ аҳли андоқким, Бамисли Лайлисиз Мажнун мудом мотамсаро бўлгай.

Менам Мажнун каби, Лайлим сенинг ишқингда ёнғайман, Висолингиз менга оламки, дашти Қарбало бўлгай.

Ёйиб тундек қаро сочинг, кулиб ёнимга келгил, ёр, Ки, сунбул сочларинг атри менга мушки соро бўлгай.

Санамлар ичра, эй сен, Шоҳсанам ёрим, ўзинг айтгил, Ғарибинга нечун бунча ахир жабру жафо бўлгай.

Оқармиш сочларим буткул сенинг дарду фироқингдан, Ўзинг айтгил, қачон, жоним, Вафойига вафо бўлгай.

лик: “Очиғини айтганда, табиат бағрида, тоғ шароитида бирор-бир манзилга етиб бориш учун унча-мунча йўлнинг машаққати-ю танобини тортишингизга тўғри келади. Йўлда кета туриб, сиз умрингизда ҳечам кўрмаган ўсимлик ва ҳайвонларнинг антиқа, ноёб турларига дуч келишингиз мумкин. Биз кўзлаб бораётган Оқтоғ бағрини қадим-қадимдан қўллаб ёввойи қўй ва қўчқорлар, ноёб жониворлар макон тутган. Уларнинг яшаш тарзи сир-синоатга тўла бўлиб, бизни олис сафарга қанчадан иштиёқ ҳам ана шу жониворларнинг ҳаёт манзиллини урганиш, табиатнинг бу тўхфасини асраб-авайлашга эътиборингизни қаратишдир”. Аслини олганда, тоғу тошлар ҳамда қумликлардаги сирли, сеҳрли турмуш зайли ташқи дунёдан ихоталангани бос кўпчиликлнинг қизиқишини оширади; ўша масканлардаги ёввойилик цивилизация асрида янаям антиқа туюлаверади. Зотан, ёввойи дунёга талпиниш ҳиссиёти бизга қадимги аждодларимиздан меросдир. Чунончи, қон гапирди, деган ибратли ибора ҳам мавжуд. Шуларга асосланган аллозда ҳайвонот ва паррандалар, сувга оид наср айни ҳозирги замонда тобора асқатмоқда. Дарвоқе, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида бу турдаги насрнавислик юксак қадрланаётгани маълум.

Сўз дунёсига кириб, ҳаётини ёзувга боғлаган инсон, энг аввало, характери асосида бошқалардан ажралиб туради. Характер эса макон ва замон тушунчалари воситасида ҳаёқа олади. Тасаввур қилиб кўринг: тоғу тошларни, қумликларни китоблар муталааси асосида ўрганиб чиққан насрнависнинг битиклари табиий чиқармикан? Йўқ, бунга ишониш мушкул. Чунки асар битилаётган маҳалда хотирот ишга туш-маса — бари беҳуда.

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

“ОБКМ ТАҚСИР”

Марғилон шаҳри “Баҳрин” маҳалласи. Мустақиллик шоҳ кўчаси, 168-уй. Бу хонадон қачон қурилганини билмайман-у, ammo анча қадимий. Файзли маҳалланинг пас-таккина уйлари шу қадар соддаки, кўриб, узоқ мוזийга қайтгандек бўласиз. Деворлари гуваладан, сувоқлари лойдан. Хонадон аъзолари юз йилларнинг нарғидаги рўзгор анжомларидан ҳам фойдаланишди. Утган асрларни эслатиб турадиган бу уйда табаррук бир инсон яшаб ўтган. Уни ҳамма “Обком тақсир” деб аташарди. Нафақат Марғилонда, Фаргона атрофларида ҳам бу номни яхши эшлашди.



Суратда: (чапдан) Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир Отабоев, “Обком тақсир” Зайлобиддин Саидмухторов, Марғилон мусикали мақом театри директори Фозилжон Исмоилов.

хурсанд бўлиб масалани ҳал қилиб берди. “Обком тақсир” бошқача бир меҳр билан “Укам аканнинг вилоят катталарига атагани бор эди, сен аралашганинг учун иш усиз ҳал бўлди. Нима хизмат бўлса айтавер”, деди.

Шунда дилимга ғойибдан бир фикр келиб қолди. “Марғилон шаҳри ва атрофдаги туманлардаги етим болалардан йигирматасига суннат тўйи қилиб берсин”, дедим. Гапимни эшитган “Обком тақсир”нинг юзи ёришиб кетди. Укам акани ёнига қақириб, унга тақлифимни айтди. У ҳам ҳечам иккиланмай рози бўлди.

— Худо хоҳласа, бир ой ичида катта тўй қиламиз, тўйбоши ўзингиз бўласиз, — деб “Обком тақсир” дуо қилди.

Кўнглим ёришиб, қушдек енгил бўлиб Тошкентга қайтдим...

Бир ой ҳам хаш-паш дегунча ўтиб кетди. “Урам самовар”дан чиқаётган карнай-сурнайлар садолари бутун Марғилонга ёйилмоқда. Ўша кунни шаҳзодалардек кийиниб, она-бувилари кўлларидан етаклаб олган тўй болаларининг кўзлари ёниб қувонганлари, ёноқларидаги шодонлиқлар хотирамга бир умр муҳрланиб қолган.

Бу кун оталик меҳрига қонмаган норасидалар бахтиёр кулаётган фойли кун эди. Бу кун Аллоҳ таолонинг ғайрий хазинасидан насибалаётган болажонларнинг суннат тўйи эди. Бу кун бешафқат бевалик “либос”ини елкасига олиб олган, тақдир кўргиллиқларидан юракбағри қонга тўлган, ёшлари ўттиз-қирққа ҳам бормаган оналар севинчдан йилганган кун эди. Бу кун ҳаётимдаги энг катта савоб ишлардан бирига сабабчи бўлганимдан бошим етти осмонга етган кун эди...

Дарвоқе, қаҳрамонимизни одамлар нега “Обком тақсир” дейишни биласизми? Мустақилликкача вилоятларни область партия комитетининг биринчи секретарлари бошқарарди. Халқ қисқача қилиб уларни “обком” деб аташарди. Гарчи бу киши обком секретари бўлиб ишлагани бўлса-да, маҳаллий аҳолининг обком ечиб бермаган муаммоларини тақсир ака у идорага, бу идорага бориб, беминнат, савоб йўлида ҳал қилиб юрар экан. Шу боис аҳоли орасида бу ном шухрат қозониб кетган.

Нуроний кексалар яхши эслайди, мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллари аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда хавотирли муаммолар бўлган. Бу, албатта, армия қисмларида ҳам сезилган, шекилли, тақсир ака ўша маблаглари ҳисобидан ҳар ойда йигирма-йигирма бешта қўй олиб, ҳарбий қисмларга тарқатиб юрганини биламан.

У Ўзбекистонимиз мустақилликка эришга-

нидан таърифга сиймайдиган даражада қувониб юрарди.

Ўзбекистон байроғи қабул қилинган, ўзи истикомат қиладиган уйнинг томига давлат байроғини осиб қўяди. Маълумки, у пайтларда қонунчилигимизда фақат рухсат этилган жойларга давлат байроғини осиб мумкин эди. “Обком тақсир”дан ҳуқуқ-тартибот ходимлари байроқни олиб ташлашини талаб қилишди. “Мустақил бўлсак, озод юртнинг бир фуқароси сифатида Ўзбекистон байроғини уйимнинг томига ҳам илолмасам, бу қандай адолатсизлик?” деб қаттиқ ранжийди у.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига ҳам осон бўлмаган. Буйруқни бажариш керак. У пайтнинг миршаблари ҳам инсофлироқ, виждонлари уйғоқроқ бўлган, шекилли, бошқиларнинг буйруқларини сўзсиз бажариш учун куч ишлатишмайти. Тақсир ака ҳечам кўнмай, қаттиқ туриб олади. Ҳаттоки бу ҳақда Ўзбекистон Президентигача мурожаат қилади. Охиригача қатъий қўрсатади...

Ёдингизда бўлса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Норқобил Жалил Ўзбекистон телевидениесида “Яхшилик” деб номланган муаллифлик қўрсатувида “Обком тақсир”нинг инсонийлиқлари, яхшиликлари ҳақида телеочерк тайёрлаб томошабинларга ҳавола этганда катта шов-шув бўлганди.

Ижобатли дуолари билан одамларга руҳий мадад бериб роҳатланидиган қалб эгасини эслаб хотира ёзишни анчадан бери ният қилиб юрардим.

Бир минг тўққиз юз саксонинчи йилларнинг охириларида қариндошимизга уйланган марғилонлик Фозил ака Исмоилов мени “Обком тақсир” билан таништириб қўйганди. Ундан “обком тақсир”нинг асл исм-шарифини сўрасам, у ҳам бир маҳаллада яшаса-да, билмас экан. Суриштириб-суриштириб, қаҳрамонимиз Зайлобиддин Саидмухторов эканлигини аниқлаб, бирга тушган суратини юборди.

Буни ҳаёт дейдилар. Инсонлар ҳам маъданлар каби ҳар хил бўлар экан-да. Кўзу қошлари, юзлари ҳар хил, феъл-атворлари турлича. Кимдир кумушга, кимдир симобга, яна кимдир олтинга, яна бири ёқутга ўхшайди. Марғилонлик Зайлобиддин Саидмухторовни ҳеч иккиланмай ёқутга ўхшатаман...

Яхши одамлар, фазилатли одамлар ҳақида ёзиш нақадар ёқимли. Шу маънода юқоридаяна бир аjoyиб фидойи инсоннинг ибратли умр йўли ҳақида билганларимдан озгина ҳикоя қилолдим, холос.

Дилмурод КИРГИЗБОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.

ТАБИАТГА МУШТАРАК ЎЗУВЛАР

7-6.

Улугбек Жумаев тоғу тошга яқин Келачи қишлоғида туғилиб-ўсгани сабабли ҳам уни ҳеч қикланмасдан тоғ фарзанди дейишимиз мумкин. Келачи қишлоғи Навоий вилояти, Хатирчи тумани ҳудудида жойлашган. “Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятларининг маълум бир ҳудудларини ўз тасарруфига олган Нурота тизма тоғлари табиати, ўсимлик ва ҳайвонот олами асосида дунёнинг бошқа манзилига сира-сира ўхшамайди”, деб ёзади у. Айтишчи, Нурота тоғ тизмалари насрнавсининг уйига ўн уч-ўн тўрт километрча келар экан; “уйимиз олдида чиксақ, тоғлар кўриниб туради” дея сўзига илова қилади.

Улугбек Жумаев саёҳат қилишни ёқтиради. Касбдошларининг айтишича, ўтган йиллар ичида у ёғи Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Грузия, Молдавия, Россия, Украина, Австрия, Албания, Андорра, Бельгия, Болгария, Босния ва Герцеговина, Ватикан, Буюк Британия, Венгрия, Шотландия, Уэльс, Шимолий Ирландия, Англия, Германия, Гибралтар, Греция, Дания, Исландия, Испания, Италия, Кипр, Косово, Шимолий Кипр, Латвия, Литва, Лихтенштейн, Люксембург, Мальта, Монако, Нидерландия Қироллиги, Норвегия, Польша, Португалия, Руминия, Сан-Марино, Шимолий Македония, Сербия, Словакия, Словения, Туркия, Ферер ороллари, Финляндия, Франция, Хорватия, Черногория, Чехия, Швейцария, Швеция, Эстония, МЭН ороллари, Югославия, Америка Қўшма Штатлари, Ҳиндистон, Хитой каби давлатларга қадам ранжида қилган, яъни саёҳатда бўлган.

Дунёда нечта давлат қолди ўзи у бормаган? Қойил! Энг муҳими, у 2022 йил декабрь ойида Америка Қўшма Штатларида ижодий сафарда бўлиб, шу мавзуда қирқдан ортиқ мақолалар ёзиб, матбуотда эълон қилди. Ҳажм жиҳатидан каттаси — “Океан ортидаги озулар” эссеси. Мазкур эссе “Фермер” журналининг 1-8 сонларида давомли чоп этилиб бори. Ижод намуналарини рус, инглиз, турк, қорақалпоқ, уйғур, қозоқ, қирғиз, татар, тожик тилларида ўқиролган. “Менинг феуруза осмоним”, “Жаннатмақом гўшалар”, “Хонгул” китобларининг муаллифи.

Муаллиф шер, йўлбарс, қоплон, бўри, тулки, қорақулқ, шоқол, олқор, хонгул, сайёғ, қийқ, саққоқ қуш, фламинго, товус, бедана, қирғий, лочин, бургут, қалхат, чағалай, илон каби ўнлаб жониворлар ҳаёт тарзини кузатиб, ҳикоя ва эсселар ёзган. Ижод намуналарини мутлола қилар эканмиз, насрнавсининг кузатувчанлик ҳамда воқеаларни майда унсурларигача хотирада сақлаш салоҳиятига қойил қоламиз. Бинобарин, насрининг томирлари ёввойи табиатга боғланган, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Образли тарзда айтсак, оловнинг нелигини билиш учун унинг ичига қириш, ёлқин тиллари ҳарорати асосида танани чинқиштириш тақозо этилади. Улугбек Жумаевнинг гоҳо хавфу хатарга дуч келиб, қизқишини қондириб асосида сайр этиш амаллари тотли мевалар берган, албатта. Биз китобга қирган ҳикоя ва эсселарни ўқиш баробарида бунга ишонч ҳосил қилиб борамиз.

Шунчаки қўл учида ёзилган ижод намуналарига дуч келмаймиз. Бариси қизиқарли, бариси ғаройиб. Мисол тариқасида митти ҳикоя — “Очқўзан ҳайқирғи” таҳлилига ўтсак. Муаллиф ёзади: “Туянинг ўрқачини эслатуви тўлқинсимон қир-адирларда қўклам нафаси сезилиб қолди. Қуёш ер остидаги туффа майсаларни қўлгондан торқчилаб ташқарига сурдаб чиқазса бошлай. Тўғрай бир жойда учмасдан қотиб туриб, чинқирганича қўшиқ қуйлайди. Сал нарида очқўзан зўр бериб ин қазияпти. Бўй-

баста, сумбати худди юмронқоқиқни эслатади. У ўзининг кўркмаслиғи, ҳеч нарсадан тап тортмаслиғи ҳамда ўткир, аррасимон тишлари асосида доврўқ қозонган. Шунданми, ундан кўпгина ҳайвонлар чўчийди. Юрак ютиб унга яқинлашишдан безиллаб турадилар”.

Тасвирларни тасаввур майдонида акс эттирар эканмиз, бу манзараларни муаллиф ўз кўзлари билан кўрганлигига шубҳа қилмаймиз. Матннинг давомини ўқийлик: “Сой ёқасида уларни кузатиб турган думи чиройли тулки “нима фалокат рўй бердийкин?” дегандай қараб қолди. Жони азобда қолган бўри аранг очқўздан қочиб кутулди. Жусаси бўридан бир неча баробар кичик бўлган кемирувчи ўз рақибини оппа-осонгина мағлуб этди. Аксарият ҳайвонларни зир титратадиган, жонини оладиган бўри бир шу махлуққа келганда таслим бўлди-қолди. Бунинг сири, асл сабаби фақатгина Яратганнинг ўзигагина аён”.

Муаллиф “бунинг сири” ҳамда “асл сабаби” ибораларини алоҳида ургулапткики, ушбу таъкидловлар бизни олам ибтидосини чуқурроқ мушоҳада қилишга, яратиклар ҳақиқатини қисман бўлса-да илғашга қорлайди. Чунки бундан миллион йиллар аввал яшаб, суяқларини қолдириб кетган динозаврларнинг давомчиси қалтакеасқалардир, балки?

Кузатсангиз, ҳар битта махлуқнинг ўзига хос психологияси, яшаш тарзи айрича эканлиги ойдинлашади. Улугбек Жумаевнинг ушбу китоби мутлолааси чоғида ана ўша қирралар аста-секин очила бошлайди. Масалан, “Тракторни кўтарган эчкиэмар” номли ҳикояси сарлавҳасининг ўзидек дарҳол эътиборни тортади. Ҳикояда болаларидан айрилган аламзада жонзотнинг фавқуллодда жасорати бобида сўз боради: “...Жонузоқ тракторни йул четида тўхтатиб, кабинадан пастга сақради. Атрофга бироз қараб қолди. Кейин эчки терисидан тайёрланган идишдан шарбат қуйиб смирди. Муздек иччилмақдан танаси яиради. Моторни ўт олдириб, тракторни секин ҳайдаб кетди. Икки юз метрча юрган ҳам эдики, шундоққина олдидан чопиб келаётган эчкиэмарга нигоҳи қадалди. Жонивор кела солиб ўзини қудратли техника остига отди. Жонузоқ тракторни зўрға тўхтатиб қолди. Бир маҳал эчкиэмар қутилмаганда пуфадек шишиб кетса бўладими?! Энг қизиғи, у салкам уч тон-нача келадиган “Беларусь”ни маълум вақтгача қўтариб турди. Техника ситланиб, сал бўлмаса, ағдарилишига бир баҳа қолди. Кейин маълум бўлдики, эчкиэмар кимлардир ўлдирган болалари аламига қийдай олмасдан шундай қалтис ҳаракатни қилган экан. Аслида ғам-алам шундай ҳаддан ошган онларда эчкиэмар ўзини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа уриб аламиндан чиқар экан...”

Бу сатрларни ўқиб, фикр юритиб бир тўхтамга кела олиши гумон остида қоладиган эчкиэмарнинг жонини фидо қилишига қойил бўласиз. Жониворларда ҳам фарзандига қайғуриш туйғуси бор экан-да? Яна “Болам деган тустовуқ” номли ҳикояда жўжалари учун ўлимга тик қараган тустовуқ тасвирлари ҳам ўта таъсирчан чиққан.

Аксарият машҳур файласуф ва шоирларнинг фикрига қараганда, оламнинг сир-асорига ақл бовар қилмас экан. Бу — илми ғайб, яъни парда орқасидаги фан. Фақатгина айрим хатти-ҳаракатларни кузатиш асосида нимапарандидир тусмоллаш мумкин. Шуларни идорқдан ўтказиб, одамзодга ёндош дунё — ҳайвонот ҳамда қушлар дунёси ғаройиблигини ҳайратланасиз. Ана ўша йўлда Улугбек Жумаевнинг “Мафтункор ва қаҳрли қоплон” номли китоби ақсатиб қолиши муқаррар.

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД.

ПАМФЛЕТ

Жамиятдаги тарихий эврилишлар даврида одамлар ғайритабиий нарсаларни излай бошлайди. Бир даврга келиб, ҳар турли полтергейст, кўзбойлогич, экстра-сенслар юзага чиқиб қолди. Айниқса, Кашпировский деганларини эслайсизми? Бир дам урса, улатиб, бир дам урса, уйғотарди. Яралар ўз-ўзидан битгиди, касалликлар йўқолади. Яна унинг олдида айланиб юрган ўзимизнинг маҳаллий пайчаларни қурсангиз! Ҳаммаси Кашпировскийга тақлид қиларди. Чумак деган экстра-сенс ҳар кун эрталаб қўли билан одамнинг ичка-чавоғини у ёқдан бу ёққа ағдариб, тортқилагани-тортқилагани.

Янгиликнинг — қаноти бор дейдилар. Ўзимизда дуппа-дуруст юрган касбли-корли одамларда ҳам сеҳрли қувват, биоэнергия пайдо бўлди. Биттаси халқроқ экстра-сенслар уюшмасига рақбар бўлди, қолгани фалон пул билан унга аъзо бўлиб, одамларни “даволай” бошлади. Басурлло деган оқохон ҳам бир думалаб полтергейст бўлди-қолди. Ризамат деган ёрдамчиси билан гастролга бормаган жойи қолмади. Йўқ, охири уч йил чиллага ўтириб, ҳозир яна тинчгина тирикчилигини қилиб юрибди.

Яхшигина ҳофиз экстра-сенсга айланиб, йиллаб сеанс ўтказди. Гуррос-гуррос одам-

ФОРТОЧКА ОЧИҚ БЎЛСИН

лар изидан чопган, сеансга патта тополмай сарсон бўлганлар қанча! Ҳофиз-экстра-сенс шундан дангиллама иморат қурди, ҳовлисини ҳайвонот боғига айлантирди. Ҳозир унинг ҳам бозори касод бўлди. Яна битта экстра-сенс нуқул тугмайдиган аёлларни даволай-даволай, охири “Демос” газетаси муҳбири бўлиб олди.

Буллар ҳам майли, дуппа-дуруст юрган Ёнбош Дўнгош деган шоир биродаримизнинг экстра-сенс бўлганига нима дейсиз?

Уч-тўрт киши журнал идорасида шахмат ўйнаб ўтирган эдик, ўша шоир келди-ю, гап яна экстра-сенсликка боғланиб кетди:

— Мана ишонмасангиз, — деди у олд сочи тўкилган шеригини кўрсатиб, — икки ойдан буён даволаяпман, — кейин унинг телпагини бошидан олди. — Кўряпсизми, кам-кам соч чиқяпти. Икки ойда олдинги ҳолига келади. Тўғрими? — шеригига мурожаат қилди шоир-экстра-сенс.

— Ҳа, энди, иххи, иххи, — деди шериги бурнини тортиб, ўнғайсизланиб. — Шундай...

— Мен масофадан ҳам таъсир қила оламан, — рағбатланиб кетди шоир-экстра-сенс. — Кечаси ликопчага шакар қўйиб ётасиз-да, эр-

талаб қарайсиз, унда бармоқ изим қолган бўлади.

— Суратга қараб ҳам даволайсизми? — сўради содда шерикларимдан бири.

— Ҳа, суратингизни келтириб берасиз, кейин ликопчага шакар қўясиз. Лекин албатта форточка очиб бўлиши керак. Усиз киришим қийин бўлади...

Бу гапдан ҳаммамиз бағоят таъсирландик ва албатта, форточкани очиб қўямиз, деган қарорга келдик. Шоир-экстра-сенс Ёнбош Дўнгош уртага чўккан сукунатдан фойдаланиб, гапида давом этди:

— Хоҳлайсизми, ҳозир сизларни ортиқча руҳий зўриқишдан халос қиламан...

— Хоҳлаймиз, хоҳлаймиз, — деган овозлар эшитилди.

— Ундай бўлса, ҳаммангиз кўзни юминг, ҳеч нарсани уйламанг. Сеансини бошладим.

Ҳамма кўзини юмиб турибди. Ёнбош Дўнгош нимапарандидир пичирлаб ўқияпти, рўпамга келиб қўлини кўтариб-туширяпти, кўзимни тўлиқ очишга қўрқаман — хурматсизлик бўлмасин, дейман. Бир пайт у:

— Бўлди, кўзни очинг, — дея буйруқ берди.

Hurriyat
Mustaqil gazeta



Муассис:

Ўзбекистон

Журналистлар

уюшмаси

Бош муҳаррир

Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Адади: 4 301

Буюртма — Г-444

Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.

Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган хатлар доимий

эътиборимизда.

Мақола ва хабарларда келтирилган

маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91

Тел-факс: (71) 244-32-80

Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Маъзиллими: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди

ва дизайнер Э.Ёлғоров томонидан саҳифаланди.

Обуна индекси:

якка

обуначилар ва

ташқилотлар

учун — 233

Навбатчи: И.Асилбеков, Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

